

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

“Хорижий мамлакатлар тарихи” кафедраси

**ЕВРОПА ВА АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ТАРИХИ
(ЯНГИ ВА ЭНГ ЯНГИ ДАВР)**

Маъруза матни

Тошкент - 2009

ЯНГИ ТАРИХ

I қисм

1-мавзу. Кириш. Фаннинг предмети. XVII аср ўрталарида Ғарбий Европанинг иқтисодий ва сиёсий ҳолати

Режа:

1. Янги тарихнинг асосий мазмуни
2. Янги тарихнинг асосий икки босқичи.
3. XVII аср ўрталарида халқаро ҳолат ва ғарб мамлакатларининг иқтисодий ҳолати.

1-савол

Ижтимоий-иқтисодий тузумлар ҳақидаги таълимотга биноан, тарих куйидаги даврларга бўлинади:

- 1) ибтидоий жамоа даври;
- 2) қадимги дунё тарихи;
- 3) ўрта асрлар тарихи;
- 4) капитализм даври;
- 5) империализм (постиндустриал давр).

Ўрта асрлардан янги тарихга ўтиш – бу феодализмдан капитализмга (бир нечта буржуа инқилоблари ёрдамида) ўтиш. Янги тарих – бу капитализмнинг феодализм устидан ғалабаси тарихи.

XVI асрнинг биринчи ярмида юз берган Реформация ва Германиядаги Буюк дехқонлар урушлари буржуа инқилобининг кўплаб белгиларига эга эди, бироқ буржуа тузуми ғалаба қилиши учун зарур шарт-шароит хали юзага келмаган эди, шу сабабли буржуазия мағлубиятга учради.

1566 йил Нидерландияда юз берган буржуа инқилоби капитализм феодализм устидан ғалаба сари ташлаган биринчи қадам бўлди. Бу мамлакат буржуазияси бой эди, бироқ у ишлаб чиқариш билан эмас, балки кредит операциялари ва савдода воситачилик билан шуғулланарди. Шу сабабли Голландия саноат тўнтариши даврига биринчи бўлиб қадам қўйиши, мануфактурадан машина ёрдамида ишлаб чиқаришга ўтиши мумкин эмасди.

XVII аср ўрталарида Англияда юз берган буржуа инқилоби мамлакатда саноат тўнтариши учун шарт-шароит яратди (бу тўнтариш XVIII асрнинг иккинчи ярмида бошланди). Шу сабабли Англия – жаҳондаги биринчи капиталистик мамлакат.

Капитализмнинг феодализм устидан ғалаба қозониш жараёни узок давом этди. Бошқа давлатларда капиталистик уклад ва капиталистик мануфактуралар XV-XVI асрларда пайдо бўлди.

Европа қитъасида феодализмга сўнгги зарбани XVIII аср охирида Француз буржуа инқилоби берди. Шундан келиб чиқиб, капитализмнинг

феодализм устидан ғалабаси XVIII аср охирида юз берган, деган хулоса чиқариш мумкин.

2-савол

Янги тарих икки асосий даврга бўлинади:

1) 1640-1870 йиллар – капитализмнинг ғалаба қозониш ва мустахкамланиш даври;

2) 1871-1918 йиллар – капитализмнинг ривожланишнинг олий босқичи – империализмга ўтиш даври ва унинг ривожланиши.

Биринчи давр – 1640 йилда бошланган Англия буржуа инқилобидан бошланади ва 1870 йилгача – Франция-Пруссия урушигача давом этади.

Бу даврнинг асосий воқеалари: Англия, Франция, Америка ва бошқа давлатларда ғалаба билан тугаган инқилоблар; саноат инқилоби; йирик капиталистик саноатнинг жадал ривожланиши; буржуа-миллий ҳаракатлари ва урушлари; янги миллий давлатларнинг ташкил топиши; ишчилар ҳаракатининг ўсиши; капитализм зиддиятларининг кучайиши; марксча мафкуранинг пайдо бўлиши.

3-савол

Буюк географик кашфиётлар натижасида Португалия, Испания, Голландия ўз кемалари ва қурулларига таяниб океан ортида бир неча мустамлакаларни қўлга киритди. Натижада Европада кўп миқдорда капитал жамланди. Бу Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари Европага нисбатан вассал ҳолатига тушишига сабаб бўлди.

Бироқ XVII аср ўрталарига келиб Голландиядан ташқари барча мамлакатларда феодал тартиб ҳукм суради. ғарбда Испания хали кўплаб мустамлакаларга эга кучли давлат саналарди. Кичик Португалия кўп сонли мустамлакаларга эга бўлса-да, Европадаги сиёсий ҳолатга жиддий таъсир кўрсата олмасди.

Францияда феодал мутлақ монархия мустахкамланиб борди.

Бу даврда Италия бир неча қолоқ феодал монархиялар, шу жумладан жаҳон католик черковининг маркази ҳисобланувчи Папа вилояти ва Римдан ташкил топган эди.

Турклар истило қилган Европанинг жануби-шарқий ерлари XVII асрдан кенгая бошлади. Кичик Осиё (Анатолия)дан ташқари Усмон империяси таркибига Араб Шарқи, Болқон мамлакатлари, Венгрия, қора денгизнинг шимолий ва шарқий қирғоқлари кирарди. Бироқ бу даврга келиб Усмон империяси ичдан парчалана бошлади.

Европа шимолида ҳарбий ва сиёсий жихатдан энг кучли давлат Швеция эди. У Болтиқ денгизининг шарқий қирғоқларига ва Германия бўйлаб оқиб ўтувчи дарёларнинг қуйи оқимларига эгалик қиларди. Шу тариқа улар Россияни денгизга олиб борувчи йўлларни тўсиб қўйдилар.

Европанинг шимоли-ғарбида бой буржуа-помешчиклар мамлакати – Голландия жойлашган эди. У хам мустамлакаларга эга бўлиб, XVII аср ўрталарида Голландиянинг денгиздаги қудрати ўз чўққисига етди.

XVII аср ўрталарида Европа мамлакатлари иқтисодиёти аграр хусусиятга эга эди. Ишлаб чиқаришнинг асосий тармоғи қишлоқ хўжалиги эди. Саноатда қўл меҳнати ҳукм суради. Англия, Франция ва Голландияда мануфактуралар пайдо бўла бошлади.

2-мавзу. XVII асрда Англия буржуа инқилоби

Инқилоб арафасида Англия иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг умумий шартлари. Англия тарихан шаклланган бир қанча муҳим афзалликларга эга эди:

1. Савдо йўлларида жойлашган эди.
2. Англия урушлардан хонавайрон бўлмаганди.
3. қуруқликдаги қўшинларга муҳтож эмас эди.
4. Шаҳар ҳаёти кўпроқ эркинлиги билан ажралиб турарди.
5. Англия дворянларининг кўпчилиги савдо билан шуғулланарди.
6. Ички бозор кенгайди ва деҳқонларнинг помещчикларга шахсий қарамлиги анча эрта йўқолди.
7. Мустамлакаларни босиб олиш ва қудратли флот ташкил этишга ҳаракат қиларди.
8. Абсолютизм даври Англияда Франция ёки Австриядагидан заифроқ эди.

Инқилоб сабаблари:

1. Саноат ва савдо. Капиталистик мануфактура. Савдогарлар ҳунармандларни аста-секин ўзларига қарам қила бошладилар. Тарқоқ мануфактура Англияда илк капиталистик ишлаб чиқаришнинг олийроқ шаклига айланди. қишлоқларда деҳқонлар кўзғолон кўтариш ҳоллари кўпайди.

2. Инқилоб арафасида Англияда синфий қарама-қаршиликларнинг кучайиши. Мамлакатда капиталистик укладнинг ривожланиши синфий қарама-қаршиликлар кескин тус олишига сабаб бўлди. Олий аристократия эски феодал ренталарни ундириш ҳисобига даромад оларди, шу сабабли у эски феодал тартибларнинг сақланишидан манфаатдор эди. «Эски дворянлик» мамлакат шимоли-шарқида кўпроқ нуфузга эга эди. «Янги дворянлик» ерларни сотиб олиб, ўз даромадларини кўпайтирарди. Янги дворянлар рицарликни бекор қилиш, тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, киро́л ҳокимиятини чеклашга ҳаракат қиларди.

Англияда буржуазия савдогарлар, олибсотарлар ва оз сонли саноатчи савдогарлардан иборат эди. Савдогарлар ва молиячилар буржуазиянинг олий табақаси ҳисобланарди. Буржуазиянинг бу давралари янги дворянлик каби монархия ва феодализмга қарши курашни охирига етказишни хохламас, сарой билан келишишга умид қиларди.

қирол патентларидан фойдаланмайдиган майда ва ўрта савдогарлар абсолютизмга қарши демократик куч эди. Рахбарлик ролини янги дворянликнинг турли гуруҳлари бажарарди, бироқ халқ кенг қатламларининг бош кучини дехқонлар, майда хунармандлар, ёлланма ишчилар ва батраklar ташкил этарди.

3. Англияда абсолютизм мухолифлари янги, «тозаланган» ёки «тўғри» диний эътиқод байроғи остида буржуа ўзгаришларини амалга оширишни талаб қилар ва расмий англикан черковини қораларди. Англикан черкови қирол ҳокимияти кучли армия ва бюрократияга эга бўлмаган Англияда абсолютизмни мустаҳкамлаш ва химоя қилишда муҳим рол ўйнади. қирол томонидан тайинланадиган епископлар қирол амалдорлари вазифасини бажарарди. Черков тахтнинг энг ишончли таянчи эди. Абсолютизмга қарши мухолифат Англияда пуританизм, яъни динни «тозалаш» учун кураш байроғи остида ривожланди.

Англия монархияси XVI асрда парламент мададига таянарди, абсолютизм эса (бошқарув шакли сифатида) Англияда тўла шаклланмади. Бироқ Стюартлар бошқаруви даврида вазият ўзгарди. Улар эски дворянлик манфаатларини химоя қилиш, қирол ҳокимиятини мустаҳкамлашга интилдилар.

Феодал тартиблар мамлакатда капиталистик муносабатлар ривожланишига тўсқинлик қиларди. Янги капиталистик уклад билан эски феодал ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги тўқнашув Англияда буржуа инқилоби етилишининг бош сабаби бўлди.

3-мавзу. XVIII асрда Шимолий Америкада мустақиллик учун олиб борилган кураш ва АҚШнинг ташкил топиши

1-савол

Америка қитъаси Колумб томонидан кашф этилгандан сўнг бу ерда европалар кириб кела бошладилар. 1607 йилда Шимолий Американинг Атлантика соҳилидаги хиндулар яшайдиган ерларда биринчи инглиз мустамлакаларига асос солинди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига келиб Шимолий Америка қитъасининг Атлантика қирғоғида 13 та инглиз мустамлакаси ташкил топди. Жанубий ва Шимолий Каролина ва Жоржияда кулдорлик хўжалиги ривожланди, плантацияларда тамаки, шакарқамиш ва индиго етиштирилди. Бу ерда экстенсив ишлаб чиқариш ҳукм суларди, шу сабабли кулдорлар ўз ҳудудларини кенгайтиришга ҳаракат қилардилар. Мустамлакаларга хабашларни олиб келиш XVII асрнинг биринчи ярмида бошланди. XVIII аср ўрталарига келиб 13 мустамлаканинг жами аҳолиси тахминан 1,5 миллион кишини ташкил этарди.

Ўрта Атлантикадаги мустамлакалар – Делавер, Виргиния, Мериленд, Филадельфия, Пенсильвания, Нью-Йорк ва Нью Жерсида ғалла экиларди. Ерларнинг бир қисми ерни майда фермерларга рента тартибида ижарага

берувчи йирик мулкдорлар – аристократларга қарашли эди. Бироқ мустақил фермерлар ҳам бор эди.

Шимолда – Янги Англияда (Нью-Гемпшир, Массачусетс, Коннектикут ва Рой-Айленд) хунармандлар ва мануфактуралар кўп эди. Кўпчилик аҳоли балиқчилик ва денгизчилик билан шуғулланарди.

Англия мустамлакалар билан савдо қилиш ҳуқуқини монополиялаштирган эди. Мустамлакалардан Англияга кўп миқдорда мўйна, тамаки, индиго, балиқ, ёғоч ва темир олиб чиқиб кетиларди.

Барча колонияларга хос умумий жихат шундан иборат эдики, дастлабки капитални жамғариш ва капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш жараёни жадал суръатларда давом этарди (эксплуатациянинг феодал шакллари ва қулдорлик билан уйғунликда).

қул савдоси дастлабки капитал жамғаришнинг энг қулай усули эди. қуллар эксплуатацияга чидаёлмай плантациялардан қочиб кетар ёки қўзғолон кўтарарди. Зиддиятлар оқ танли аҳоли орасида ҳам кучайиб борарди. Аристократлар ижарачилардан кўп миқдорда рента ундирар, майда фермерларни қаттиқ эксплуатация қиларди. Шахарнинг қашшоқ аҳолиси ва ижарачилар ғарбга кетиб, мустақил фермерга айланишга ҳаракат қилардилар. қуролли кўчманчилар – «скваттерлар» («Оқ бўрилар») ғарбга келиб, бу ерда манзилгоҳлар барпо этдилар ва хиндуларнинг ерларини босиб ола бошладилар.

Мустамлакалар бошқаруви Англия ҳукуматининг қўлида эди. қирол аксарият мустамлакаларнинг губернаторларини тайинларди. Губернаторлар хузурида кенгашлар (ҳукуматлар) ва қуйи палаталар мавжуд бўлиб, уларнинг аъзолари бой мулкдорлар томонидан юксак мулкый мавқе асосида сайланарди. Англия парламентида мустамлакалар ўз вакилларига эга эмасди. Англия ҳукумати мустамлакаларга тегишли фармонларни уларнинг розилигисиз чиқариш ҳуқуқига эга эди.

Губернаторлар ва мулкдор аристократларнинг ўзбошимчалиги фермерлар ва хунармандларнинг қўзғолонларига сабаб бўларди. қўзғолончилар сиёсий ҳуқуқлар бериш, мустамлакаларнинг ўзини ўзи бошқарувини кенгайтириш, губернаторлар ҳокимиятини чеклаш, эркин ташқи савдога рухсат беришни талаб қилардилар.

Мустамлакалар худудида Америка буржуазияси шаклланиши учун барча шарт-шароитлар юзага келди:

- худудларнинг бирлиги (Жануб ва Шимол ўртасида мавжуд тафовутга қарамай);

- иқтисодий ҳаётнинг бирлиги;

- тилнинг бирлиги (инглиз тили).

Мустамлакалар ва Англия ўртасидаги қарама-қаршиликлар:

1) хабашларнинг қўзғолонларига;

2) майда фермерларнинг қўзғолонларига;

3) хунармандлар ва фермерлар сиёсий ҳуқуқлар берилиши ва мустамлакалар ўзини ўзи бошқаришини талаб қилиши озодлик урушига сабаб бўлди.

Мустамлакаларда ўз зиёлилари – адвокатлар, шифокорлар, журналистлар пайдо бўлди. Уларнинг орасида инсон ҳуқуқлари ғояларини илгари сурувчилар ҳам бор эди. Бундай зиёлиларнинг энг машҳури файласуф ва олим Бенжамен Франклин эди. Унинг қарашлари:

- 1) капиталистик тадбиркорликни ривожлантириш;
- 2) мустамлакаларнинг ўзини ўзи бошқаришини кенгайтириш;
- 3) сўнгра уларни Англиядан ажратиш;
- 4) истилочилик урушларига чек қўйиш;
- 5) кулчиликка барҳам бериш ва х.к.

2-савол

XVIII асрнинг 60-йилларида Англияда мустамлакачилик жабр-зулми кучайди. Бир томонда Англия, Пруссия ва иккинчи томонда Франция, Австрия ҳамда Россия ўртасида Хиндистон ва Канададаги мустамлакалар учун бўлган Етти йиллик уруш (1756-1763) Англиянинг молиявий ресурсларини қашшоқлаштирди, қирол ва вазирлар ахволни мустамлакалар хисобидан енгиллаштиришга ҳаракат қилдилар.

Мустақиллик учун уруш сабаблари:

1) XVII аср – XVIII аср бошида мануфактуралар очиш, юнг ва ҳар хил асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш тақиқланди. Гарчи мустамлакалар бошқа мамлакатлар билан инглиз савдогарларини четлаб ўтиб савдо қилиши ман этилган бўлса-да, контрабанда йўли билан амалга оширилди;

2) 1763 йилда Георг III колониячилар Аллеган тоғларидан ғарбдаги ерларни эгаллаш ва уларга жойлашишни тақиқлади. Бу кулдорлар янги ерларни эгаллашига ва майда ижарачи-фермерлар ғарбга кетиб, у ерда мустақил фермерга айланишига ҳалақит берарди. Шундай қилиб, бу фармон йирик ер эгалари ва Аллеган тоғлари ортида хиндулардан мўйна сотиб олувчи мўйнафурушларнинг манфаатларини ифода этарди;

3) 1765 йилда Англия парламенти мустамлакалардаги ҳар бир савдо битими, ҳужжатлар, газеталар ва эълонлардан солиқ ундиришни назарда тутувчи тартибни жорий этди;

4) 1767 йилда Англия молия вазири Тауншенд талаби билан мустамлакаларда Англиядан товар олиб киришга янги божлар жорий этилди.

3-савол

1773-1774 йилларда мустамлакаларда инқилобий вазият юзага келди. Англия мустамлакачилари билан тўқнашув кескинлашди.

Уруш сабаби: 1774 йилда Англия ҳукумати Миссисипи ва Огайо ўртасидаги ерларни Канаданинг Квебек провинциясига ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилди. Бу Янги Англия аҳолиси ва Виржиния плантаторларини шимоли-ғарбдаги янги ерларни эгаллаш имкониятидан маҳрум этарди.

Уруш 1775 йил баҳорда бошланди. Мустамлака аҳолиси ватанпарварлар (виглар) ва аксилинқилобчилар (лоялистлар)га бўлинди. Шу сабабли қирол қўшинларига қарши ҳаракатлар билан бир вақтда виглар ва лоялистлар ўртасида фуқаролик уруши бошланди. Лоялистлар Англия мустамлакачиларининг мамлакат ичидаги бош таянчи эди.

1775 йил майда Филадельфия (Пенсильвания)да иккинчи Континентал Конгресс очилди. Унда плантаторлар ва йирик буржуазия вакиллари иштирок этди. Улар:

1) мустамлакаларни Англиядан ажратишни талаб қилдилар;

2) ўз армиясини тан олдилар ва виржиниялик бой плантатор Жорж Вашингтон (1732-1799)ни бош қўмондон этиб тайинладилар.

1776 йил 4 июлда Конгресс Мустақиллик декларациясини қабул қилди. Унда мустамлакалар Америка қўшма Штатларига бирлашиб, «эркин ва мустақил давлатлар» ҳисобланиши эълон қилинди. Мустақиллик декларациясининг бош муаллифи виржиниялик плантатор ва адвокат Томас Жефферсон (1743-1826) эди.

қирол армияси 29 мингга яқин ёлланган немис аскарларидан иборат эди. Тахминан 30 минг кишилик қирол армияси ва флоти Вашингтоннинг 18 минг кишилик яхши қуроланмаган қўшинига қарши турарди.

Бироқ 1777 йил 17 октябрда Саратога (Нью-Йорк) яқинида бўлган асосий жангда генерал Бургайн бошчилигидаги қирол қўшинлари мағлубиятга учради. Бу ғалаба урушга Франция ва Испания қўшилишига туртки берди.

Урушга Франция ва Испанияни тортиш учун Конгресс Европага Бенжамен Франклинни юборди. Франция (Людовик XVI) ва Испания Америкада қўлдан чиқарилган мулкларни қайтариб олиш учун Америка мустамлакалари Англиядан ажралиб чиқишидан фойдаланмоқчи бўлди. Саратогадаги жангдан кейин Франция АҚШнинг мустақиллигини тан олди ва 1778 йил 6 февралда иттифоқ ва савдо битимлари тузди. Тез орада Испания билан ҳам иттифоқ тузилди. Америкага француз қўшинлари ва ҳарбий кемалари юборилди. Бунинг натижасида Англиянинг денгиздаги ахволи ёмонлашди.

Англия қироли Екатерина II га мустамлакаларда қўзғолонни бостириш учун рус қўшинларини беришни илтимос қилди, бироқ чор ҳукумати бунга рад жавобини берди. Шу сабабли Екатерина II 1780 йилда бошқа ҳукуматларга қуроли бетафлик тўғрисидаги декларацияни юборди. АҚШ Конгресси бу Декларацияда илгари сурилган принципларга қўшилишини эълон қилди. Бироқ Екатерина II монархия ҳокимияти принципини бузмаслик ва инқилоб билан мурасага келишга йўл қўймаслик учун АҚШ суверенитетини тан олмади. Лекин Россиянинг бетафлиги Англия мағлубиятга учраши ва АҚШ мустақилликни қўлга киритишига имконият яратди.

1781 йил 19 октябрда қирол қўшинлари таслим бўлди. 1783 йил 3 сентябрда Версалда тинчлик шартномалари имзоланди.

1. АҚШ мустақил давлат сифатида тан олинди.
2. Аллегандан Миссисипигача бўлган худуд АҚШнинг худудий чегараларига киритилди.
3. Испания Флорида ва Менорка оролини қайтариб олди.
4. Франция Сенегал ҳамда Вест-Индиядаги баъзи бир кичик ороллар билан қаноатланди.

4-савол

1781 йилда Конгресс АҚШнинг биринчи конституцияси – «Конфедерация моддалари»ни қабул қилди. Бу конституция айрим штатларнинг тўла мустақиллигини сақлаб қолди. Марказий ҳукумат амалда мавжуд эмас эди.

1787 йил Конституцияси.

1787 йил майда Конвент мажлиси очилди. 55 аъзодан 20 таси плантаторлар, 23 таси банкир, савдогар, саноатчилар, 10 таси адвокатлар, иккитаси шифокор ва ўқитувчи эди. Бирорта ҳам фермер, хунарманд ёки ишчи йўқ эди. Конституцияга биноан:

1) иттифоқ давлати ёки федерал давлат ташкил этиларди, бироқ штатлар кенг ўзини ўзи бошқариш ва ўз алохида конституцияларини сақлаб қоларди;

2) қонунчилик ҳокимияти Конгрессга (вакиллар палатаси ва Сенатга) бериларди:

а) Сенат – 6 йилга сайланади, ҳар бир штатдан иккитадан депутат – 100 депутат;

в) қонун қабул қилиниши учун уни иккала палата маъқуллаши лозим;

3) ижро этувчи ҳокимият сайлаб қўйиладиган президентга қуйидаги ваколатлар билан бериларди:

а) фақат ўзининг олдида жавоб берадиган вазирларни тайинлайди;

б) қуроли кучларнинг бош қўмондони ҳисобланади;

в) агар қонунни Конгресс аъзоларининг учдан икки қисми маъқулламаган бўлса, президент унга вето қўйиши мумкин;

4) АҚШ Олий судини умрбод тайинладиган судьялардан таркиб топтиради. Олий суд қонунларни конституцияга зид деб топса, уларни бекор қилиши мумкин (Конституциявий суд функциялари).

Бироқ конституция демократик хусусиятга эга эмасди:

- ҳабашлар қуллиги қонунийлаштирилди, АҚШга ҳабаш қулларни олиб кириш 20 йил олдин рухсат этиларди;

- хиндулар ўз ерларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмасди ва улар АҚШ фуқаролари ҳисобланмасди;

- сўз, матбуот, виждон, йиғилишлар ўтказиш эркинлиги тилга олинмаган эди;

- майда фермерлар, ишчилар, қашшоқ хунармандлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолди;

- аёллар ҳам ҳеч қандай ҳуқуқларга эга эмасди.

1789 йилда Конгресс сайланди. АҚШнинг биринчи президенти этиб Жорж Вашингтон сайланди.

1791 йилда Конгресс конституцияга ўн та тузатиш киритишга мажбур бўлди:

- 1) сўз, матбуот эркинлиги;
- 2) йиғилишлар ўтказиш ва петициялар бериш ҳуқуқи;
- 3) шахс ва турар жой дахлсизлиги;
- 4) ноҳарбий аҳоли учун жиноят ишлари бўйича ҳолислар судининг жорий этилиши;
- 5) умумий давлат динини жорий этишнинг тақиқланиши;
- 6) халқ ҳабаш қуллар ва хиндуларга қарши қурол тақиб юришга ҳақли;
- 7) хусусий мулкнинг дахлсизлиги.

Бу тузатишлар АҚШ тарихидан «Ҳуқуқлар ҳақидаги билл» деган ном билан ўрин олди. У халққа нисбатан зўрлик ишлатилишини қийинлаштирар ва меҳнаткашларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашини енгиллаштирар эди.

4-мавзу. Франциядаги Буюк буржуа инқилоби

Режа:

1. Инқилоб сабаблари ва унинг бошланиши.
2. Йирик конституциявий-монархик буржуазиянинг ҳукмронлиги. 1791 йил конституцияси.
3. 1792 йил 22 сентябрда республиканинг эълон қилиниши. Миллий Конвент.
4. Якобинчилар диктатураси (1793 йил 2 июнь – 1794 йил 27 июль). 1793 йил конституцияси.
5. Бошқарув йиллари. Францияда директория (1794-1799). Республиканинг III йил конституцияси.

1-савол

Уч табақа: 1) рухонийлар; 2) феодаллар; 3) бой шаҳарликлар.

Инқилоб сабаблари:

- 1) ерга бўлган феодал мулк ҳуқуқи;
- 2) абсолют монархия тузумининг емирилиши;
- 3) кўп сонли солиқлар, ер билан олди-сотди қилиш имкониятининг чекланганлиги, сон-саноксиз ички божхоналар;
- 4) буржуазия бошчилигидаги жамият ўрта қатламлари ва учинчи табақа (шаҳарликлар)нинг сиёсий ҳуқуқларга эга эмаслиги;
- 5) черковнинг мутаассиблиги.

1787-1789 йилларда Францияда инқилобий вазият юзага келди:

- 1) Англия товарлари ёйғилиб келиши натижасида кўпгина мануфактуралар ёпилди (Англияда саноат инқилоби);
- 2) ишчилар ва хунармандлар орасида ишсизлик бошланди;

3) 1788 йилги қурғоқчилик озиқ-овқат махсулотлари қимматлашиши ва уларнинг тақчиллигига сабаб бўлди;

4) шаҳарларда ишсизликка ва озиқ-овқат махсулотлари нархларининг ошишига қарши норозилик намойишлари бошланди;

5) қишлоқда дехқонларнинг феодал мажбуриятларга қарши чиқишлари давом этди;

6) қирол хокимияти олдингидек ҳукмронлик қила олмасди. қирол ғазнасида йиллик тақчиллик 80 млн. ливрдан ошиб кетди, давлат қарзи эса 4,5 млрд. ливрга етди.

Людовик XVI янги солиқларни тасдиқлаш учун 1789 йил 5 майда Бош штатларни (дворянлардан – 300 вакил, рухонийлардан – 300 вакил, учинчи табақадан – 600 вакил)ни чақирди. Дворянлар, рухонийлар ва қирол табақама-табақа овоз овоз беришни талаб қилди ва шу тариқа Бош штатлар фаолиятини ўзига бўйсундиришга умид қилди. Учинчи табақа бу принцитни рад этди ва 17 июнда Бош штатлар Таъсис мажлиси деб эълон қилинди. Ҳукумат мажлисни тарқатиб юбориш учун қўшинларни йиғди, бироқ абсолютизмга қарши курашга халқ оммаси қўтарилди.

2-савол

1789 йил 14 июль халқ қўзғолони ва унинг оқибатлари: 13 июлда Парижда қўзғолон бошланди. Буржуа милицияси ташкил этилди ва у кейинчалик Миллий гвардия деб номланди. 14 июлда қўзғолончилар абсолютизмнинг сўнгги истехкоми - Бастилия қалъасини эгаллади (14 июль – Франция миллий байрами).

Бастилия қулагач, инқилоб тўлқини бутун мамлакатга тарқалди. Мамлакатда аграр инқилоб бошланди. Мулкларнинг эгалари шаҳарларга қочдилар. Дехқонлар Таъсис мажлисини феодал тузумни бекор қилишга мажбур этдилар. Бироқ амалда фақат дехқонларнинг шахсий мажбуриятлари ва баршчина бекор қилинди. Ерга бўлган ворислик ҳуқуқи сотиб олиниши лозим эди. Шундай қилиб, инқилоб аграр масалани тўла хал қилмади.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси. 1789 йил 26 августда Таъсис мажлиси бу Декретни қабул қилди. Унда қуйидагилар эълон қилинади:

- 1) хокимият манбаи – миллат (қирол эмас);
- 2) конституциявий монархияни сақлаб қолиш;
- 3) эркинлик, мулк ҳуқуқи ва жабр-зулмга қарши кураш ҳуқуқи тан олинди;
- 4) виждон, сўз, матбуот эркинлиги эътироф этилди;
- 5) ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш тақиқланди.

Бироқ сарой аристократияси аксилинқилобий тўнтариш тайёрмакда эди. Аммо 6 октябрда халқ Версал саройига бостириб кирди ва қиролни Таъсис мажлиси билан бирга Парижга қўчишга мажбур қилди. Шундан кейин аристократларнинг чет элга қочиши кучайди.

1791 йил конституциясини Таъсис мажлиси ишлаб чиқди:

- 1) конституциявий монархия тузуми мустахкамланади;
- 2) қонунлар қабул қилиш ҳуқуқи аъзолари сайлаб қўйиладиган қонунчилик мажлисига берилади;
- 3) ижро этувчи ҳокимият қиролга ва у тайинлайдиган вазирларга берилади;
- 4) уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш масалаларини қонунчилик органи хал қилади;
- 5) конституция қулчилик сақланиб қоладиган мустамлакаларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бироқ қирол конституцияни тасдиқламади ва 21 июнга ўтар кечаси оиласи билан аксилинқилобий қўшин жойлашган шарқий чегарага қараб қочди. Лекин йўлда у ушланиб, Парижга қайтарилди ва 1791 йил 3 сентябрда конституцияни тасдиқлашга мажбур бўлди.

1792 йилда Австрия ва Пруссия қироллиги аксилинқилобий интервенция билан таҳдид солди ва Франциядан қирол ҳокимияти фойдасига ўз конституциясидан воз кечишни талаб қилди. қонунчилик мажлиси қирол розилиги билан Австрияга уруш эълон қилди. Тез орада Австрия қўшинлари Францияга бостириб кирди. Мария-Антуанетта (Людовик XVI нинг хотини) ва генерал ҳарбий ҳаракатлар режаларини австрияликларга хуфёна бериб юборди. қирол жирондистлардан бўлган вазирларни лавозимидан олди.

3-савол

1792 йил 10 августда Робеспьер бошичилигидаги якобинчилар халқни монархияни ағдаришга чақирдилар ва қирол саройини штурм билан эгалладилар. Монархия ағдарилди. Пруссия қўшинларига қарши икки армия юборилди. Улар душман ҳужумини қайтариб, Франция чегарасидан ташқарига чекинишига йўл қўйиб берди.

1792 йил 20 сентябрда 750 депутатдан иборат Миллий конвент:

- 1) қирол ҳокимиятини бекор қилиш;
- 2) республика эълон қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилди (1792 йил 22 сентябрда ташкил топган биринчи республика – буржуа республикаси).

Конвентда жирондистлар кўпчиликни, монтаньярлар эса камчиликни ташкил этарди. Дантон, Робеспьер ва Марат бошчилигидаги монтаньярлар энг инқилобий ва демократик гуруҳ ҳисобланарди. 1792 йил қишда жирондистлар Якобинчилар клубидан чиқарилди, натижада монтаньярлар ҳам, якобинчилар ҳам бир сиёсий номга эга бўлди.

Якобинчилар қиролни қатл этишни талаб қилдилар, жирондистлар эса қиролни қутқариб қолишга ҳаракат қилдилар.

1793 йил 21 январда қирол қатл этилди. Жирондистлар мағлубиятга учрадилар ва Конвентдан чиқарилдилар. Англия Франция билан дипломатик алоқани узди.

4-савол

Бу воқеалар халқ якобинчилар бошчилигида жирондистларга қарши қўзғолон кўтаришини тезлаштирди. Хокимият кенг халқ оммаси – дехқонлар ва шаҳар аҳолисининг қашшоқ қатламларига таянган буржуазиянинг энг радикал қисми (майда буржуазия) қўлига ўтди. Жирондистларнинг бир қисми департаментлар (провинциялар)га қочди ва мамлакат жануби ва ғарбида (Гасконь) исён кўтарди.

1793 йил 24 июнда Конвент конституцияни қабул қилди. Бу конституцияда қуйидагилар эълон қилинди:

- 1) тенглик, эркинлик, хавфсизлик ва мулк ҳуқуқи;
- 2) сўз ва матбуот эркинлиги;
- 3) умумий таълим;
- 4) виждон эркинлиги;
- 5) уюшмалар ташкил этиш ҳуқуқи;
- 6) хусусий мулкнинг дахлсизлиги;
- 7) хусусий тадбиркорлик эркинлиги;
- 8) халқ демократияси асослари – халқнинг устунлиги ва одамларнинг тенг ҳуқуқлилиги ғояси;
- 9) Франция – ягона ва бўлинмас республика;
- 10) 21 ёшга тўлган барча эркаклар мулкый мавқеидан қатъи назар сайлов ҳуқуқига эга;
- 11) парламент бир палатадан ташкил топади (Конвент);
- 12) ижроия кенгаши – «Ижтимоий нажот қўмитаси»ни қонунчилик корпуси (Конвент) сайлайди;
- 13) француз халқининг ички ишларига четдан аралашшига йўл қўйилмайди ва бошқа миллатлар ишига аралашмаслик принципи эълон қилинади;
- 14) хусусий мулк ва ёлланма ишчилардан фойдаланиш қонунийлаштирилади.

Бироқ 1793 йил конституцияси амалга оширилмади. Харбий интервенция ва фуқаролар уруши шароитида якобинчилар конституцияни амалга киритишни уруш тугагунга қадар кечиктирдилар, кейинчалик якобинчилар диктатураси ағдарилиши натижасида уни амалга киритишнинг иложи бўлмади.

1793 йил июль ойининг охирида интервентларнинг янги босқини бошланди. Республика душманлар қуршовида қолди. Якобинчилар 450 минг кишидан иборат оммавий армия тўплади. 1794 йил бошига келиб Франция худуди интервентлардан озод қилинди. Бу операцияга капитан Бонапарт бошчилик қилди.

Якобинчилар буржуа инқилобчилари эди, шу сабабли плебей (камбағал дехқонлар ва шаҳар плебейларига таянган) инқилобчиларнинг 1) янги бойлар мол-мулкани қисман мусодара қилиш; 2) энг катта нарх белгилаш; 3) чайқовчиларни жазолаш ҳақидаги талабларини рад этдилар. Плебей инқилобчилар (Варле, Ру, Леклерк) инқилобий террорга қарши

чиқдилар. Якобинчилар сентябрда уларни қамокқа олдилар. Якобинчилар сиёсатини тан олмаганларга қарши террор бошланди:

- 1) Мария-Антуанетта қатл этилди;
- 2) жирондистларнинг сардорлари боши танидан жудо этилди;
- 3) ҳукуматга қарши чиққан бир нечта якобинчилар (Эбер, Шометт, Дантон, Демулен ва 13 киши) ҳам қатл этилди.

Буларнинг барчаси Конвентда якобинчилар диктатурасига раҳбарлик қилаётган Робеспьерга қарши муҳолифатни кучайтирди.

Якобинчилар олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат аҳолининг қашшоқ қатламларини қаноатлантирмасди. Ишчилар ва хунармандларнинг ахволи ёмонлашиб борарди.

5-савол

Конвентнинг аксарият аъзолари инқилоб пайтида бойиган янги буржуазияга мансуб эди.

- 1) У чекланмаган бойиш эркинлигини тиклаш;
- 2) диктатура ва террорга барҳам беришни хоҳлар;
- 3) қўшни давлатларнинг ерларини босиб олишга интиларди.

Бунга эришиш учун Робеспьер, Сен-Жюст ва Кутон бошчилигидаги якобинчилар ҳукуматини ағдариб ташлаш керак эди.

1794 йил 9 термидорда Конвент аъзолари фитна уюштириб, Робеспьер, Сен-Жюст, Кутон ва яна 22 кишини ҳибсга олдилар ва қатл этдилар. Бу тўнтариш йирик буржуазия (банкирлар, саноатчилар, савдогарлар, судхўрлар)ни ҳокимиятга қайтарди. Бироқ улар феодал-абсолютистик тузумни тиклаш муҳолифи ва буржуа республикаси тарафдорлари эди. Ижтимоий нажот қўмитаси олий ижроия органи бўлиб қолди. 75 жирондист яна Конвент таркибига қайтди.

«Республика III йил конституцияси» (1795 йил):

- 1) фақат солиқ тўловчиларга ва 25 ёшга тўлган эркекларга сайлов ҳуқуқини берарди (мулкий ценз тикланди);
- 2) икки палатали қонунчилик корпусини таъсис этарди:
 - а) 500 аъзодан иборат кенгаш - қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга;
 - б) оқсоқоллар кенгаши – 40 ёшга тўлган шахслардан;
- 3) ижро этувчи ҳокимиятни Оқсоқоллар кенгаши 500 аъзодан иборат кенгаш тақдим этган рўйхат бўйича сайлайди. Ижро этувчи ҳокимият беш кишидан иборат Директорияга топширилади;
- 4) қонунчилик корпуси таркиби ҳар йили сайлов йўли билан учдан бир қисмга янгиланиши мумкин.

Директория агрессив ташқи сиёсат олиб борди:

- 1) 1796 йилда Бонапарт Ломбардияни босиб олди;
- 2) 1797 йилда Рейн ва Бельгиянинг чап қирғоғини ишғол этди;
- 3) Венеция республикаси бўлиниб кетди: Венеция Австрия тасарруфига, Ион ороллари – Франция ихтиёрига ўтди;
- 4) 1798 йил Швейцария бўйсундирилди;

5) 1798 йилда французлар Рим ва Неаполни босиб олдилар;

6) 1798 йилда Александрия ва қоҳира ишғол қилинди.

1798 йилда Англия, Россия, Австрия ва Пруссия Францияга қарши харбий иттифоқ тузди: 1799 йилда Суворов қўшини Шимолий Италияда французларни тор-мор келтирди, Ушаков эскадраси Ион ороллари овоз килди. 1800 йилда адмирал Нельсон эскадраси Мальта оролини эгаллади.

Харбий мағлубиятлар Директория тузумининг обрўсини тушириб юборди. 1799 йилда Якобинчилар клубини тиклашни хоҳловчи инқилобчи-демократлар фаолияти кучайди. Бу шароитда йирик буржуазия кўзғолонларни бостириш учун кучли ҳокимиятга эга бўлишни хоҳларди. 1799 йил 9 ноябрда Бонапарт қонунчилик корпуси, Директорияни тарқатиб юборди ва ҳокимият уч консул – Бонапарт, Сийес ва Роже Дюко қўлига ўтди. Бироқ кўп ўтмай Наполеон Бонапарт бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди.

5-мавзу. Франция Бурбонлар реставрацияси ва Июль монархияси даврида (1815-1848 йиллар)

Режа:

1. 1814-1815 йиллар Вена конгресси. «Муқаддас иттифоқ».
2. Бурбонлар реставрацияси.
3. 1830 йилги Июль инқилоби ва Июль монархиясининг ўрнатилиши.

1-савол

1815 йил 18 июнда Наполеон армияси Англия ва Пруссия қўшинлари томонидан Брюссель яқинида жойлашган Ватерлоо қишлоғи яқинида узил-кесил тор-мор келтирилди. Наполеон тахтдан воз кечишга мажбур бўлди ва Муқаддас Елена оролига сургун қилинди. Наполеон урушлари тугади.

1814-1815 йиллар Вена конгресси Наполеон урушлари даврига яқун ясади ва феодал-аристократик реакция вақтинчалик ҳукм суришига имконият яратди. Унда Туркия империясидан ташқари Европадаги барча давлатларнинг 216 вакили иштирок этди. Улар орасида бош ролни Россия, Англия, Австрия ва Пруссия ўйнади. Конгресс иштирокчилари илгари Наполеон ҳукми остида бўлган давлатларда дворянликнинг ҳукмронлигини ўрнатишга интиларди. Бироқ иттифоқчилар ўртасида нифок чиқди:

1) Россия Германияда аввалгидек икки кучли давлат – Австрия ва Пруссия рақобатлашишини хоҳлар, Франция герман давлатлари ва Англия кучларини ғарбга жалб қилишга қодир бўлиши учун унинг хаддан ташқари заифлашувини хоҳламас, тугатилган «Варшава герцоглиги»ни ўз таркибига қўшиб олишни кўзлар эди. Шу мақсадда Александр I Польшада маҳаллий қонунларни сақлаб қолиш ва унга конституция беришга қарор қилди.

2) Англия Наполеон урушлари даврида босиб олинган Франция, Испания ва Голландия мустамлакалари ўзига ўтиши, Бельгия французлар қўлида қолмаслигини хоҳлар, Россиянинг Европадаги мавқеини

заифлаштиришга интилиб, Александр I нинг Польшага доир режаларига қаршилиқ кўрсатарди.

3) Австрия Пруссия Саксонияни босиб олишига, Россия Польшани ўз таркибига киритишига қарши чиқди, Германиянинг тарқоқлигини сақлаб қолиш, Саксонияни босиб олишга интилди.

Англия ва Австрия ҳукумати Россия нуфузининг ортишига тўсқинлик қилиш учун Франциядан фойдаланишга қарор қилди. 1815 йил 3 январда улар Россия ва Пруссиянинг Польша ва Саксония борасидаги режаларига ҳалақит бериш учун яширин иттифоқ тузди.

Конгресс қарорлари:

1) Улар Пруссияни унга Саксониянинг фақат шимолий қисми берилишига рози бўлишга мажбурладилар (жанубий қисм мустақил қиролик бўлиб қолди).

2) Россия ҳам Варшава герцоглигининг барча ерларини ўзига қўшиб олишга муваффақ бўлмади. Познан ва Силезия Пруссия қўлида қолди, Галиция эса яна Австрияга ўтди.

3) ғарбда Пруссияга икки вилоят – Рейн провинцияси ва Вестфалия (иктисодий жihatдан энг ривожланган вилоятлар) қўшилди.

4) Илгари Швецияга қарашли бўлган Померания ҳам Пруссияга ўтди.

5) Краков кичик мустақил республика сифатида ажратилди. Шундай қилиб Польша тўртинчи марта давлатлар ўртасида бўлиб олинди.

6) Бельгия ва Голландия Францияга қарам бўлмаган ягона Нидерландия қиролигига бирлаштирилди.

7) Голландия қироли Вильгельмга Люксембург герцоглиги шахсий мулк қилиб берилди.

8) Жанубий Германияда конгресс Жанубий Германия давлатларини Францияга қарши қучайтириш учун Бавария, Вюртемберг ва Баденни бирлаштирди.

9) Швейцария ҳам қучайтирилди. Франциянинг бу ердаги ҳукмронлигига барҳам берилди. Ўзини ўзи бошқарувчи 19 кантондан Швейцария конфедерацияси ташкил топди. Конгресс Швейцарияни абадий бетараф давлат деб эълон қилди.

Европани бўлиб олиш натижалари:

1) Россия Польша подшолигини олди ва Финляндия билан Бессарабияни сақлаб қолди.

2) Англия Мальта ороли ҳамда Голландия ва Франция мустамлакаларини ўзига бириктирди.

3) Шимоли-шарқий Италия, Ломбардия ва Венеция устидан Австриянинг ҳукмронлиги тикланди.

4) Конгресс Италиянинг парчаланганини тасдиқлади.

5) Немис давлатларидан ва Австрия империяси ерларининг бир қисмидан конгресс 34 монархия ва 4 эркин шаҳардан иборат Германия иттифоқини тузди.

6) Дания (Наполеоннинг собиқ иттифоқчиси) жазоланди: унга карашли Норвегия Швеция билан бирлаштирилди.

7) Эльзас ва Лотарингия Франция таркибида қолдирилди. У 1790 йил чегараларига қайтарилди.

8) Францияга 5 йил муддатга 700 млн. франк миқдорида контрибуция тўлаш мажбурияти юкланди.

1815 йил 20 ноябрда Англия, Россия, Австрия ва Пруссия ўртасида инқилобий ҳаракатга қарши кураш олиб бориш мажбуриятини оловчи «Муқаддас иттифоқ» шартномаси имзоланди.

2-савол

Наполеонни тахтдан узил-кесил ағдаргач, унинг ғолиблари Францияда Бурбонлар монархиясини тикладилар ва Людовик XVIII ни тахтга қайтардилар. Бироқ Бурбонлар реставрацияси Францияда инқилобдан олдинги тузум — феодал-абсолютистик тузумнинг тикланишига олиб келмади.

Вена конгресси қарорларига биноан:

- 1) Францияда конституция амалга киритилди;
- 2) Людовик XVIII барча табааларнинг фуқаролик ҳуқуқини тан олди ва тасдиқлади;
- 3) янги мулкдорлар (капиталистлар)нинг мулк ҳуқуқи тан олинди;
- 4) марказлаштирилган маъмурий бошқарув (ягона давлат) сақлаб қолинди;
- 5) Наполеон даврида қабул қилинган буржуа қонунлар кодекслари сақлаб қолинди;
- 6) Наполеон даврида олинган дворянлик титуллари ўз кучини сақлаб қолди;
- 7) бироқ эски дворянлик титуллари ҳам тикланди.

1814 йил конституцияси (Людовик XVIII даври):

1) қирол ҳокимияти икки палатали қонунчилик корпуси билан чекланди: а) юқори палата — перлар (аристократлар) палатасини қирол тайинларди; б) қуйи палатани сайловчиларнинг тор доираси сайларди. Сайлов ҳуқуқидан 30 ёшга тўлган ва ҳар йили камида 300 франк миқдорида тўғри солиқлар тўлайдиган эркаклар фойдаланар эди. 40 ёшга тўлган ва ҳар йили камида 1000 франк миқдорида тўғри солиқлар тўлайдиган эркаклар депутатликка сайланиши мумкин эди;

2) ижро этувчи ҳокимият — вазирларни қирол тайинларди. қирол қуйи палатани тарқатиб юбориш ва қонунчилик корпуси қабул қилган қонунларга вето қўйиш ҳуқуқига эга эди.

Шундай қилиб, дворянлар конституцияга биноан қонунчилик ҳокимиятини йирик буржуазия вакиллари билан бўлишишга мажбур эди. Бурбонларнинг тикланган монархияси XVIII аср монархиясига таққослаганда буржуа монархиясига айланиш йўлида ташланган қадам эди.

1824 йилда Людовик XVIII нинг вафотидан сўнг тахтга унинг укаси – граф д'Артуа ўтирди. У Карл X титулини олди.

Инқилобий вазият:

Карл X ва дворянлар буржуазия ҳуқуқларини янада кучлироқ камсити бошладилар. 1827 йилда юз берган иқтисодий танглик халқнинг норозилигини кучайтирди. Ишчилар, деҳқонлар ва майда буржуазиянинг нафрати кучайиб борди.

1830 йил мартда Карл X депутатлар палатасини тарқатиб юборди ва 25 июлда уч фармонни имзолади:

- 1) депутатлар палатаси тарқатилади;
- 2) бундан буён сайлов ҳуқуқи фақат йирик ер эгаларига берилади;
- 3) матбуот эркинлиги бекор қилинади.

3-савол

1830 йил 27 июлда қуrollи кўзғолон бошланди. Уни республикачилар кўтарди. қирол саройи босиб олинди ва Карл X Англияга қочиb кетди. қирол кўшинининг бир қисми халқ томонига ўтди. 1830 йил 29 июлда инқилоб ғалаба билан тугади.

1830 йил 29 июлда депутатлар банкир Лаффит бошчилигида муваққат ҳукумат туздилар ва дарҳол буржуа Миллий гвардиясини тикладилар. Депутатлар палатаси Луи Филиппни қирол ноибни этиб тасдиқлади, сўнгра «французлар қироли» деб эълон қилди.

1830 йил Июль инқилоби натижасида дворянлар монархияси ўрнини буржуа монархияси эгаллади.

1830 йилда қабул қилинган янги конституция – «1830 йил хартияси»:

- матбуот ва йиғилишлар эркинлигини эълон қилди;
- сайловчилар учун мулкый ценз 200 франккача камайтирилди;
- депутатлар учун 500 франк миқдорида белгиланди.

6-мавзу. 1815-1848 йилларда Германия

Режа:

1. Вена конгрессидан кейин Германиянинг сиёсий тарқоқлиги.
2. Наполеон урушларидан кейин Германиянинг иқтисодий ҳолати.
3. 30-йиллар либерал-буржуа муҳолифати. 1848 йил арафасида инқилобий вазият.

1-савол

1813 йилда Германия рус армияси ёрдамида француз истилочиларидан озод қилинди. Бироқ мамлакат феодализм ва абсолютизм кишанларидан халос бўлмади.

Германия иттифоқи (34 монархия ва 4 эркин шаҳар) ўзаро боғланган конфедерация эди.

Сеймнинг энг мухим қарорлари бир овоздан қабул қилиниши лозим эди.

Австрия вакили Германия иттифоқида доимий раислик қилар ва Германиянинг бирон-бир давлатида дин ва монархия негизларига дахл этилмаслигини назорат қиларди.

Пруссия 1815 йилдан кейин.

Вена конгресси қарорига биноан Пруссия худуди икки қисмдан иборат эди:

- 1) шарқий провинциялар – 6;
- 2) ғарбий провинциялар – 2.

Шарқий провинциялар:

- Бранденбург
- Померанция
- Силезия
- Саксония (шим.)
- ғарбий ва Шарқий Пруссия
- Познань

ғарбий провинциялар:

- Рейн провинцияси
- Вестфалия.

Пруссиянинг икки қисми бир-биридан сиёсий ва иқтисодий жихатдан фарқ қиларди. ғарбий провинциялар яхшироқ ривожланган эди. Бу ерда крепостнойлик ҳам, помещчикларнинг суд юрисдикцияси ҳам мавжуд эмасди. Нисбатан қолоқ шарқий провинцияларда феодал муносабатларга энди-энди бархам берилмоқда эди.

Германиянинг кичик давлатлари 1815 йилдан кейин.

Германия давлатларининг аксариятида феодал реакция ҳукм сурурди. Бироқ 4 жанубий давлатлар – Баден, Вюртемберг, Гессен ва Баварияда буржуазия дворянларга қараганда кучлироқ эди. 1817-20 йилларда бу ерда Франциянинг «1814 йил хартияси»га ўхшаш конституциялар амалга киритилди. Уларда икки палатали парламентлар ҳамда сайловчилар ва депутатлар учун юқорироқ мулкый ценз назарда тутилган эди.

2-савол

Германиянинг иқтисодий ахволи. Аграр муносабатлар

XIX аср бошида Германия хали асосан аграр мамлакат эди. Мамлакат аҳолисининг тўртдан уч қисми қишлоқда яшар ва дехқончилик билан шуғулланарди. Германияда дехқонлар крепостной қарамликдан озод қилинган эди. қишлоқ хўжалигига капитализмнинг кириб келиши «Пруссия йўли»дан борди – «америкача» фермерлик йўлидан фарқли ўлароқ, бу ерда ярим феодал тартиблар ҳукм сурувчи помещчиклар ер эгалиги сақланиб қолган эди. Дворян-помещчиклардан ўз ерларини сотиб олган ўзига тўқ дехқонлар ҳам аста-секин оёққа турмоқда эди.

Германия ғарбий ва жануби-ғарбий қисмларининг аграр ривожланиши бошқа йўлдан борди. Бу ерда феодал тартиблар асосан тугатилган эди. Дехқонлар ўз ерларини сақлаб қолдилар, дворян-заминдорлар ўрнини шаҳарлик бой заминдорлар эгаллади. қишлоқ аҳолиси табақаларга ажралди:

- ўзига тўқ дехқонлар (гроссбауэрлар);
- жамоа ерларининг тақсимланиши юз берди;
- қашшоқ дехқонлар қишлоқ хўжалигида капиталистик муносабатларнинг ривожланишидан жабр кўрдилар.

Германияда саноатнинг ривожланиши.

XIX аср бошида саноат ишлаб чиқариши Германияда асосан мануфактура корхоналари ва хунармандчилик устахоналарида жамланган эди. Ип йиғириш машиналаридан кенг фойдаланиларди.

Уч иқтисодий ҳудуд ажралди:

- 1) 1815 йилдан кейин мустақил бўлиб қолган Саксония қироллиги;
- 2) Фридрих II XVIII асрда Австриядан тортиб олган Польша ери – Силезия;
- 3) Пруссияга қайта ўтган Рейн провинцияси ва Вестфалия.

Бироқ мамлакатда ягона миллий ички бозор йўқ эди. Бу ҳол айрим давлатлар ўртасида ва давлатларнинг вилоятлари ўртасида хўжалик алоқалари мавжуд эмаслиги билан изоҳланарди.

30-йилларда Германияда капиталистик ривожланиш анча жадаллашди. Бироқ хўжаликнинг тарқоқлиги Германия буржуазиясининг ривожланишига монелик қиларди. Давлатлар 20-йилларнинг охирида ички бож ва пошлиналарни бекор қилишни талаб қилдилар. Натижада Пруссия 1818 йилда барча провинциялар учун ягона бож тарифини жорий этди, 20-йиллар охирида эса ўзи ва қўшни кичик давлатлар ўртасида бож тўсиқларининг тугатилишига эришди. Буларнинг барчаси 1834 йилда 18 давлатни бирлаштирган Германия бож иттифоқи тузилишига олиб келди. Фақат Австрия, Ганновер ва Ольденбург бу иттифоқ таркибига кирмади.

Бож иттифоқи немис халқининг тарихида биринчи марта миллий ички бозор вужудга келишига сабаб бўлди.

XIX асрнинг 30-40-йилларида Германияда саноат тўнтариши.

Саноат инқилоби:

1. Крепостнойликнинг тугатилиши мамлакатда ёлланма ишчи кучи вужудга келишига имконият яратди.
2. Дехқонларнинг бир қисми ердан махрум этилиши натижасида саноат маҳсулотларига бўлган талабни оширди ва капиталистик фабрика ва заводлар пайдо бўлишига имконият яратди.
3. Хунармандларнинг касодга учраши.
4. Юнкерликнинг бойиши.
5. Ўзига тўқ дехқонларнинг бойиши.
6. Шаҳар аҳолисининг аста-секин ўсиши.
7. Дарёлар бўйлаб кемалар қатнай бошлади.

8. 1835 йилда Нюрнберг-Фюрт участкасида Германияда биринчи темир йўл очилди.

3-савол

1848 йил арафасида инқилобий вазият.

Пруссияда фабрикант Ганземан ва банкир Компгаузен бошчилигидаги саноатчилар ва савдогарлар бир қанча сиёсий талабларни қўйдилар:

1) провинциялардаги табақавий ландтаглари Пруссия умумий вакиллик мажлиси (парламент)га айлантириш;

2) сайлов тизимини ўзгартириш (бирок демократик сайлов тизимига хали узоқ эди).

1848 йил арафасида халқ ахволи ёмонлашди:

- 1845-46 йиллар - қурғоқчилик;

- 1847 йил – кучли савдо-саноат инқироzi (иш ҳақининг пасайиши, ишсизлик).

1847 йил бошида Фридрих-Вильгельм IV Берлинда провинцияларнинг барча 8 ландтаги вакиллари чақириш ва бу бирлашган ландтагга янги солиқлар ва қарзларга вето қўйиш ҳуқуқини беришга мажбур бўлди.

Бирок қирол конституция қабул қилинишига қарши эди, шу сабабли бирлашган ландтаг аъзолари биринчи марта норозилик билдиргани захоти, 1847 йил 11 апрелда қирол ландтагни тарқатиб юборди.

7-мавзу. I. Францияда 1848 йил инқилоби

1830 йил июль:

1) либерал буржуазия Луи Филиппни тахтга ўтқизди;

2) «1830 йил хартияси» қабул қилинди:

- майда буржуазия ва ўрта буржуазиянинг бир қисми сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилди;

- ҳокимият молиявий аристократия (банкirlар, биржа қироллари, кон, ўрмон ва ер эгалари) қўлига тушиб қолди.

1847 йил охирига келиб инқилобий вазият тугилди:

- эксплуатациянинг кучайиши;

- қурғоқчилик;

- 1847 йилда – иқтисодий танглик;

- «банкirlар подшолиги»дан норозилик.

1848 йил 24 февралда Луи Филипп Англияга қочди ва тахтдан невараси фойдасига воз кечди.

қонунчилик корпуси депутатлари уч гуруҳдан иборат Муваққат ҳукуматни сайлади: 1) буржуа республикачилари (йирик буржуа); 2) майда буржуа демократлари (майда ва ўрта буржуа); 3) социалистлар (меҳнаткаш халқ).

1848 йил 25 февралда II Республика эълон қилинди.

Муваққат ҳукумат сиёсати:

Умумий сайлов ҳуқуқи тўғрисида декрет амалга киритилди (эркаклар 21 ёшдан);

иш куни 16 соатдан 12 соатга камайтирилди;

меҳнаткашлар учун янги солиқлар жорий этилди (улар оширилди ва бу Республикага нисбатан нафрат уйғотди).

1848 йил 23 апрелда Таъсис мажлисига сайлов ўтказилди.

Таъсис мажлиси фаолияти:

1) Муваққат ҳукуматни Ижроия комиссияси билан алмаштирди;
2) Меҳнат вазирлиги ташкил этиш ҳақидаги таклифни рад этди;
3) польшалик эркинлик учун курашчилар тақдирига бефарқ қаради (1848 йил баҳорда);

4) бу меҳнаткашлар намоишига чиқишига сабаб бўлди (15 май). Намоиш тарқатиб юборилди;

5) барча бўйдоқ ишчилар (18-25 ёш) армияга ёзилишлари керак. Ишчиларнинг бир қисми провинцияларга ерда ишлашга юборилиши лозим;

6) 23 июнда Парижда қуролли қўзғолон кўтарилди, бироқ орадан тўрт кун ўтгач у бостирилди (Ковеньяк). Жами 11 минг қўзғолончи ўлдирилди, 3,5 мингдан ортиқ киши каторга ва сургунга ҳукм қилинди.

Йирик буржуазияга кучли ҳокимият керак.

1848 йил ноябрда Янги Конституция қабул қилинди:

1) меҳнат ҳуқуқи ўрнига «ижтимоий мутасаддилик ҳуқуқи»;
2) Президент лавозими таъсис этилди:
- умумий сайловда 4 йил муддатга сайланади;
- парламентга қарам эмас;
- вазирлар, амалдорлар ва барча офицерларни тайинлайди ва лавозимдан олади;

3) қонунчилик ҳокимияти қонунчилик мажлиси (парламент)га берилади:

- 3 йилга сайланади ва муддатидан илгари (Президент томонидан) тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

1848 йил 10 декабрда – Президент сайлови:

1) буржуа республикаси (Ковеньяк) – жами овозлар сонининг бешдан бир қисми;

2) майда буржуа демократлар (Ледрю-Роллен) – ундан ҳам камроқ;

3) бонапартистлар – Луи-Наполеон (жияни) жами овозларнинг 5 қисмини олди.

Ҳукумат ҳокимияти барча оқимларга мансуб монархистлар қўлига ўтди.

1849 йил февралда Таъсис мажлиси ўзини ўзи тарқатди. 1849 йил 13 майда қонунчилик мажлисига сайлов бўлиб ўтди. Унда мандатлар қуйидагича тақсимланди: буржуа республикачилари – 9%; майда буржуа демократлари ва социалистлар – 24%; монархик буржуазия (орлеанчилар) – қолган мандатлар.

қонунчилик мажлиси бир қанча қонунлар қабул қилди:

- а) халқ таълими католик черкови назорати остига берилди;
 - б) янги сайлов қонуни:
 - 21 ёшга тўлган, бир жойда камида уч йил яшаётган ва шахсий солиқлар тўлайдиган эркаклар;
 - бу уч миллионга яқин киши (сайловчиларнинг 29%) – иш излаётган ишчиларни сайлов ҳуқуқидан махрум этарди.
- Президент ва қонунчилик мажлиси ўртасидаги кураш:*
- 1) Монархистлар ўртасидаги кураш:
 - а) легитимистлар – Бурбонлар сулоласини тиклаш (Карл X нинг невараси граф Шамбор);
 - б) орлеанчилар – Луи-Филиппнинг неварасини тахтга ўтқазишни талаб қилганлар;
 - в) бонапартистлар – президент Луи-Наполеон.
- Бонапартистик империяни тиклаш. II Республиканинг қулаши (1851 йил 2 декабрь).*
- 1) 1851 йил 2 декабрга ўтар кечаси Луи-Наполеон давлат тўнтаришини амалга оширди ва қонунчилик мажлисини тарқатиб юборди. Кўпгина легитимистлар ва орлеанчилар қамоққа олинди. Демократик кучларга қарши террор бошланди.
 - 2) Конституция (1852 йил январь):
 - бутун ҳокимият 10 йил муддатга Президентга берилади.
 - 3) Орадан бир йил ўтгач, 1852 йил 2 декабрда монархия тикланди (Иккинчи империя).
 - 4) Луи-Наполеон император – Наполеон III деб эълон қилинди.
 - 5) 1848 йил демократик республикаси ўрнини бонапартистик Иккинчи империя эгаллади.

7-мавзу. II. Германияда 1848-49 йиллар инқилоби

Инқилобнинг вазифалари:

- 1) феодализм сарқитларини тугатиш;
 - 2) Германиянинг сиёсий тарқоқлигига барҳам бериш.
- Инқилоб 1848 йил февралда бошланди:
- Баден – герцог Леопольд ҳукуматга либерал вазирларни киритишга мажбур бўлди;
 - қўшни давлатларда ҳам воқеалар шу йўлдан ривожланди.

Пруссияда Март инқилоби:

- 1) 1848 йил 18 мартда Фридрих-Вильгельм IV конституция ваъда қилди ва матбуот цензурасини бекор қилди.
- 2) Либерал буржуазиянинг икки лидери – банкир Кампгаузен ва фабрикант Ганземанни ҳокимиятга чақирди.
- 3) 1848 йил 22 майда Берлинда Таъсис мажлиси сайланди.

4) қирол буржуазия ва халқ ўртасидаги зиддиятдан фойдаланиб, Кампаузен вазирлигини истёфодага чиқарди ва уни ўнг ҳукумат билан алмаштирди.

Франкфурт парламенти. Марказий Германия ҳукуматининг ташкил топиши.

1) 1815 йилда Вена конгресси Германия иттифоқини (34 монархия ва 4 эркин шаҳардан иборат) тузди.

2) 1848 йил ёзда Таъсис мажлиси ёки Франкфурт парламентига умумий сайлов ўтказилди:

- ишчилардан вакиллар қўйилмади;
- йирик либерал буржуазия вакиллари кўпчиликни ташкил этди;
- буржуа зиёлилари ҳам кўпчилик эди.

3) Германия подшолари Франкфурт парламентини тан олмадилар, бироқ инқилоб шароитида унинг чақирилишига ҳалақит бермадилар.

4) 1848 йил 18 мартда марказий ҳукумат ташкил топди.

5) Бироқ ҳокимият Германиянинг айрим подшолари қўлида қолди.

6) Марказий ҳукумат «хавода осилиб қолди» - у армия ва бюджетга, Германияда ва ундан ташқарида нуфузга эга эмасди.

Франкфурт парламенти фаолияти:

1) феодал мажбуриятларни бекор қилиш ҳақида бирон-бир тўхтамга келмади;

2) савдо соҳасидаги тўсиқларга барҳам берилмади;

3) меҳнаткашларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи рад этилди;

4) поляклар миллий мустақилликни талаб қилганида, парламент Польша ерларини бўлғуси Германия империясининг ажралмас қисми деб эътироф этди;

5) 1848 йил ёзда Прагадаги демократик қўзғолон Австрия кўшинлари томонидан бостирилишини қўллаб-қувватлади.

Германиянинг (эҳтимол тутилган) миллий бирлашиш йўллари:

1) «қуйидан» - халқ инқилоби йўли билан;

2) «юқоридан» - ё Пруссия, ё Австрия гегемонлиги остида ягона Германияни ташкил этиш йўли билан;

3) йирик буржуазия «юқоридан» туриб бирлаштириш – «Кичик Германия»ни (Австриясиз) ташкил этиш тарафдори эди;

4) жануби-ғарбий Германия давлатлари буржуазияси – «Буюк Германия»ни (Австрия билан) ташкил этиш учун курашарди;

5) Австрия буржуазияси ҳам шунга интиларди;

6) Франкфурт парламентининг сўл гуруҳлари Германия Федератив Республикасини ташкил қилиш тарафдорлари эди;

7) коммунистлар ягона, бўлинмас демократик республика учун курашарди.

1848 йил 18 сентябрда Франкфуртда халқ қўзғолони:

1) 1815 йил Вена конгресси қарорларига биноан Шлезвиг ва Гольштейн Даниянинг шахсий унияси эди. 1848 йил мартда бу ерда қўзғолон

кўтарилди, муваққат ҳукумат ташкил этилди, у Даниядан ажралиш ҳақида қарор қабул қилди ва Германия давлатларидан ёрдам сўради;

2) Пруссия кўшинлари уларни Даниядан ажратиб олди;

3) Англия, Франция ва Россия кўшинларни олиб чиқиб кетишни ва сулҳ битими тузишни талаб қилдилар;

4) Франкфурт парламенти урушга йўл қўймаслик учун сулҳни маъқуллади;

5) бундан норози халқ оммаси 18 сентябрда парламент устига бостириб борди, бироқ мағлубиятга учради.

1848 йил 9 ноябрда Пруссияда давлат тўнтариши:

1) 18 сентябрь кўзғолони руҳи Пруссияга ўтди; Германияда йирик ва либерал буржуазия инқилобдан узоқлашди;

2) Таъсис мажлиси аграр масалани хал қилишни кечга сурди;

3) қирол Фридрих-Вильгельм IV янги вазирлик тайинлади;

4) 1848 йил 9 ноябрда Таъсис мажлисининг йиғилиши Берлиндан Бранденбургга кўчирилди;

5) 1848 йил 5 декабрда янги конституция эълон қилинди:

- «Мантейфель конституцияси» - ички ишлар вазирлиги;

- қирол иккала палата – 1) ландтаг, 2) жаноблар палатаси қарорларини бекор қилиши мумкин эди;

- сессиялар оралиғида қирол ҳар қандай қонунлар қабул қилиши ва конституциянинг айрим моддаларини қайта кўриши мумкин эди;

- янги сайлов қонунига биноан сайлов ҳуқуқига эга барча (30 ёшга тўлган) фуқаролар уч тоифага ажратилди: 1) йирик солиқ тўловчилар (кам); 2) ўрта солиқ тўловчилар (кўпроқ); 3) майда солиқ тўловчилар (хаммадан кўп).

Юнкерлар монархияси ғалаба қозонди (юнкерлар – Германиядаги йирик ер эгалари).

1849 йил 28 мартда қабул қилинган умумий Германия конституцияси:

1) авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтувчи император (Пруссия қироли) ҳокимиятини ўрнатди;

2) икки палатали Рейхстаг ташкил этилди;

3) хамманинг қонун олидида тенглиги эълон қилинди;

4) дворянларнинг барча имтиёзлари ва титуллари тугатилди;

5) виждон, матбуот ва сўз эркинлиги эълон қилинди;

6) крепостнойлик муносабатлари бекор қилинди, яъни демократик конституциявий монархия.

Германия давлатларининг монархлари марказий органлар ҳокимиятини тан олишдан бош тортдилар. Шундай қилиб, Германияда миллий бирлаштиришга уриниш муваффақиятсиз тугади.

8-мавзу. Иккинчи империя даврида Франция (1852-1870 йиллар)

Режа:

1. XIX асрнинг 50-50-йилларида Франциядаги сиёсий ва иқтисодий ахвол.
2. 50-60-йилларда қрим урушидан кейин Иккинчи империянинг ташқи сиёсати.
3. 1870 йил Франция-Пруссия уруши арафасидаги сиёсий вазият.

1-савол

1851 йил 2 декабрдаги давлат тўнтариши Иккинчи республиканинг мавжудлигига барҳам берди. Унинг ўрнига Иккинчи империя келди. Бу йирик банк ва саноат буржуазияси ҳокимияти эди. Унинг таянчлари:

- 1) йирик банкирлар ва саноатчилар;
- 2) бой амалдорлар;
- 3) олий мартабали офицерлар;
- 4) католик рухонийлар;
- 5) ўзига тўқ деҳқонлар.

Демократия барҳам топди:

1. Республикачилар партияси яширин фаолият олиб бора бошлади.
2. Либерал матбуот тақиқланди.
3. Махаллий ўзини ўзи бошқариш тугатилди.
4. Халқ таълими тизимида (мактабларда) католик рухонийлар таъсири кучайди.

5. Парламент тизими деярли барҳам топди:

- қонунчилик корпуси ўз мажлислари ҳақида ҳисоботларни эълон қилиш, ўз раисини сайлаш (уни император тайинларди) ҳуқуқига эга эмасди;
- мулкӣ ценз бекор қилинди, бироқ сайловчилар учун ўтроқлик цензи сақлаб қолинди. Шу сабабли 21 ёшга тўлган ҳамма эркаклар ҳам сайлов ҳуқуқидан фойдалана олмасди (аёллар ва хизматкорлар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум қилинди).

Бу чеклашлар бонапартист депутатларга қонунчилик корпусидаги ўринларнинг катта қисмини таъминлар эди.

Бутун ҳокимият Наполеон III ва герцог Мори (императорнинг ўғай укаси), граф Валуевский (Наполеоннинг никоҳсиз ўғли), «давлат вазири» Руэр кўлида эди. Бироқ бонапартистик тузум демократик кучлар оёққа туриб, мустахкамлангунга қадар мавжуд бўлиши мумкин эди. 50-60-йилларда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши бу кучлар тикланиши ва мустахкамланишига олиб бормоқда эди.

9-мавзу. Германиянинг бирлашиши

Янги қирол Вильгельм I давр руҳига бўйсуниб Мантейфелга истеъфо берди ва ислохотларни амалга оширишни ваъда қилди. Бу ҳукумат либерал сиёсат олиб боришига умид уйғотди. Бироқ Вильгельм I умидларни оқламади. У халққа ҳам, буржуазияга ҳам ишонмас, ҳар қандай конституциявий тартибдан хайқарди.

Кўп ўтмай ҳукумат билан Пруссия куйи палатаси – ландтагдаги буржуа мухолифати ўртасида тўқнашувлар бошланди. Бу конституциявий низони келтириб чиқарди. Бунга ҳукуматнинг Пруссия армиясини қайта тузиш ва бунга керакли пул маблағларини ажратиш ҳақидаги таклифи сабаб бўлди. Бироқ ландтаг таклифни Пруссияни парламентар давлатга айлантирувчи ислохотлар амалга оширилгунга қадар рад этди. Бироқ ҳукумат ландтаг депутатлари хоҳиш-иродасига зид ўлароқ, конституцияни бузиб, Пруссия армиясини қайта тузиш тадбирларини амалга ошира бошлади.

1862 йилда ландтаг депутатларининг кўпчилиги яна прогрессистларга эргашиб, ҳарбий вазирликка кредитлар беришни рад этди. Бўйсунмас либералларнинг ҳаракатларини бутун мамлакатнинг жамоатчилик фикри қўллаб-қувватлади. Ишчилар ва демократик майда буржуазия орасида яна қўлга қурол олишга чорловлар янграй бошлади. Германияда ёшлар 1848 йилги миллий ва демократик идеаллар учун курашга ўзини тайёрлаш учун уюшмаларга аъзо бўла бошладилар. Мамлакатда инқилобий вазият юзага кела бошлади. Бироқ, Германия пролетариати кенг халқ оммасининг реакциячи помещиклар ва монархияга қарши курашига раҳбарлик қилишга қодир эмаслиги туфайли, у инқилобга айлана олмасди.

Халқ оммаси фаоллигининг ошиши, либерал буржуазия сафларида мухолифлик руҳининг кучайиши юнкерлар давлатининг юқори қаватларида жиддий тангликка сабаб бўлди. 1861-1862 йилларда нафақат Вильгельм I нинг ўзи, балки унинг вазирлари ҳам қаттиқ саросимага тушиб қолдилар. Умумхалқ норозилиги шароитида Пруссия ҳукумати ландтаг талабларига бўйсуниши ҳам, инқилобдан олдинги даврдаги тартибга қайтиши ҳам хавфли эди. Шу сабабли Пруссия дворянлари ва бюрократиясининг узоқни кўзлаган вакиллари буржуазияда Гогенцоллернлар монархиясини сақлаб қолишнинг бирдан-бир воситасини кўриб, уни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилдилар. Князь Отто фон Бисмарк (1815-1898) бу янги сиёсатнинг бош ифодачиси бўлди. Вильгельм I сентябрь ойида унга Пруссия вазир-президенти, яъни бош вазири лавозимини топширди.

Хокимиятга келгач, Бисмарк тез орада гапга кирмайдиган ландтагни тарқатиб юборди ва фон Роон билан бирга, реакция жаноблар палатасига таяниб, армияни қайта ташкил этишни давом эттирди. Конституциявий низо либералларга улар кутган ғалабани келтирмади. 1862 йил Пруссияда Европанинг бошқа йирик мамлакатларидан олдинроқ умумий ҳарбий мажбурият жорий этилди. Бисмарк либерал буржуазиянинг биронта ҳам талабини қаноатлантирмади, бироқ кучли армияга таяниб унинг эски миллий орзуларини рўёбга чиқаришга тайёргарлик кўра бошлади. У парчаланган, тарқоқ Германиядан «темир ва қон билан» прусс Гогенцоллернлари бошчилигидаги янги ягона империяни яратиш, шу тариқа юнкерларнинг Германия буржуазияси билан синфий иттифоқини мустаҳкамлашни хоҳлар эди.

Пруссия бошчилигида Германияни бирлаштириш йўлида катта тўсиқлар турарди. Аввало Австрия билан хисоблашишга тўғри келди, чунки у Пруссиянинг даъволарига қўлда қурол билан қаршилик кўрсатишга тайёр эди.

Бошқа томондан, Франция ўз шарқий чегараларида кучли қўшни пайдо бўлишидан чўчирди ва Рейн дарёсининг бутун чап қирғоғини босиб олиш учун Германия иттифоқининг ички заифлигидан фойдаланишга ҳаракат қиларди. Наполеон III Жанубий Германия давлатларининг Пруссияга қарши қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватларди ва Жанубий Германияда ўз таъсирини кучайтиришни хоҳларди. Буржуа Англияси ва чор Россияси Германия подшоларининг мустақиллигини азалдан қўллаб-қувватларди.

Бисмарк биринчи навбатда ўзи тайёрлаётган урушларда Россиянинг бетарафлигига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. крим урушидан кейин Россиянинг Австрия ва Англия билан муносабатлари ўта кескин бўлиб қолаётгани бу вазифани енгиллаштирарди. 1863 йилда Польшада кўзғолон бошлангач, бу муносабатлар янада кескинлашди. Наполеон III, Англия ва Австрия вазиятга дипломатик йўл билан аралашиб, поляклар манфаатларини химоя қилиш бахонасида Россиянинг Европадаги мавқеини заифлаштиришга ҳаракат қилдилар. Бисмарк бундан Россия билан яқинлашиш учун фойдаланди ва чор ҳукуматиغا Польша миллий ҳаракатига қарши курашиш учун ўз хизматларини таклиф қилди. Чор қўшинларига кўзғолончиларни Пруссия ҳудудида таъқиб қилиш рухсат этилди. Рус қўшинлари бу рухсатдан фойдаланмади, бироқ Россия билан яқинлашишга йўл очилди. Гарчи Германия ишлари бўйича Россия билан Бисмарк ўртасида бирон-бир келишув мавжуд бўлмаса-да, у дадилроқ ҳаракат қилишга қарор қилди.

1863 йилнинг охирида Даниянинг янги қироли Христиан IX Шлезвигга Дания конституциясини татбиқ этди. Бу бутун Германияда норозилик уйғотди ва Бисмаркка аралаштириш учун баҳона бўлди. Пруссия Данияга Шлезвиг аннексиясидан воз кечиш ҳақида ультиматум қўйди. Бу талабга Австрия ҳам қўшилди.

Дания қироли Европа давлатларининг ёрдамига умид қилиб, ўзига қўйилган талабларни рад этди. 1864 йил 1 февралда Пруссия ва Австрия қўшинлари Эйдер дарёсини кечиб ўтиб Шлезвигни ишғол қилди. қисқа, бироқ қонли уруш Даниянинг мағлубияти билан тугади. 1864 йил 30 октябрда Венада тузилган тинчлик шартномасига биноан иккала герцоглик вақтинчалик Пруссия ва Австрия ҳукми остига ўтди. Уларнинг кейинги тақдири ҳақидаги масала кейинроқ ҳал қилиниши лозим эди. Бисмаркнинг Данияни тор-мор келтиришга буюк давлатларнинг бирортаси ҳам ҳалақит бермаслиги ҳақидаги мўлжали ўзини оқлади.

Бироқ герцогликларга биргаликда эгалик қилиш Пруссияни қаноатлантирмас эди. 1865 йил августда узоқ давом этган музокаралардан сўнг Гольштейнни бошқаришни Австрияга, Шлезвигни бошқаришни эса Пруссияга топширишга қарор қилинди.

Бисмаркнинг навбатдаги вазифаси Австрияни тор-мор келтириш ва унинг Германиядаги таъсирига барҳам бериш эди. Герцогликларни бошқаришнинг чалкаш тартиби амал қилаётган шароитда Австрия ва Пруссия ўртасида низо чиқиши муқаррар эди. Бисмарк Пруссия армиясининг кучига умид қилиб, атайлаб тўқнашувга туртки берди. Австрияни тезроқ тор-мор келтиришга интилиб, у 1866 йил баҳорда Италия билан яширин иттифок тузди ва Австрия империясига қарши ёрдами учун унга Венецияни қайтаришни ваъда қилди.

Франциянинг бетарафлигига эришиш учун Бисмарк Наполеон III билан шахсий учрашувларида унга Австрия-Пруссия урушидаги бетарафлик учун Бельгиянинг бир қисми ва Рейн дарёси чап қирғоғидаги ерларни қўшиб олишга ҳалақит бермасликни ваъда қилди.

1866 йил баҳорда Бисмарк Австриядан Германия иттифоқини тубдан ислох қилишга розилик беришни сўради. Кутилган жавобни олмагач, Пруссия июнда ўз қўшинларини Гольштейнга қараб йўналтирди. Айни вақтда Бисмарк Германиянинг барча давлатларига Германия иттифоқини ислох қилиш лойиҳасини юборди. Унда иттифокдан Австрияни чиқариш назарда тутилган эди. Бироқ иттифок сейми Австриянинг ёнини олди. Бунга жавобан Пруссия иттифокдан чиқди. 16 июнда Пруссия қўшинлари Саксония, Ганновер ва Гессен-Кассел (Кургессен)га кирди.

Австрия-Пруссия уруши жуда тез Австрия мағлубияти билан тугади. Яхши қуролланган Пруссия қўшинлари Чехияга бостириб кирди. 3 июлда улар Садова қишлоғи яқинида Австрия қўшинини яқсон қилди. Айни вақтда Пруссиянинг бошқа қўшинлари Австриянинг иттифокчилари бўлган майда герман давлатларининг отрядларини тор-мор келтирди ва 15 июлда Майндаги Франкфурт шахрини эгаллади. Император Франц-Иосифнинг Пруссия билан тинчлик шартномаси тузишдан бошқа иложи қолмади. Бу шартнома 1866 йил 23 августда Прага шаҳрида имзоланди. Бу шартномага мувофиқ Австрия Германия иттифоқидан бутунлай чиқди, Германияда гегемонлик даъвосидан воз кечди ва герцогликлар Пруссияга қўшилишига рози бўлди.

Австрия мағлубиятга учрагач, Германия иттифоқи ўрнига Пруссия гегемонлиги остида янги Шимолий Германия иттифоқи тузилди. У 22 давлатдан иборат эди. Бу иттифокнинг Конституцияси 1867 йилнинг бошида тасдиқланди. Унга кўра бутун ҳокимият меросхўр «президент» - Пруссия кироли Вильгельм I қўлида жамланди.

Бу сафар ҳам буюк давлатларнинг бирортаси Пруссияга ҳалақит беришга журъат қилмади. Европа ҳукуматлари Пруссияда Германиядаги инқилобий рухга қарши таянчли кўрардилар. Англия вазирлари Пруссиянинг кучайиши Россия ва Францияни тийиб туради деб хисоблардилар. Рус подшосини Пруссия ҳукумати 1856 йилги Париж сулҳи қайта кўрилган ҳолда Россияни қўллаб-қувватлашни ваъда қилиб тинчлантирди.

Пруссия ўзи ўрнатган тартибни бутун Шимолий Германия иттифоқи давлатларига мажбурий татбиқ этди.

Шимолий Германия иттифоқида бутун ҳокимият президент – Пруссия кироли қўлида жамланган эди. У Пруссия андозаси бўйича тузилган «иттифоқ армияси»нинг бош қўмондони бўлиб, уруш эълон қилар ва сулҳ тузар, барча мансабдор шахсларни тайинлар ва лавозимдан олар, иттифоқ қонунчилиқ палаталарини чақирар ва ўз ихтиёрига қўра тарқатиб юборар, уларнинг қарорларига нисбатан мутлақ вето ҳуқуқига эга эди. қирол ўзи тайинлайдиган иттифоқ канцлери унинг ўринбосари ҳисобланарди. У юқори палата – иттифоқ Кенгашида доимий раислик қиларди. Бу Кенгаш амалдорлар – иттифоқ таркибига кирувчи айрим давлатларнинг делегатларидан ташкил топган эди. Бу Кенгашда 43 овоздан 17 таси Пруссия вакилларига тегишли эди. Рейхстаг - қуйи палата 297 депутатдан иборат бўлиб, улар умумий сайловда эркаклар томонидан сайланар, қонунларга вето қўйиш ва бюджетни тасдиқлаш ҳуқуқига эга эди. Иттифоққа қўшилган айрим давлатлар ўз монархлари, конституциялари, судлари ва бюджетларини сақлаб қолдилар. Бироқ улар Пруссия гегемонлигига бўйсунилари ва Гогенцоллернлар байроғини иттифоқнинг миллий байроғи сифатида тан олишлари лозим эди.

10-мавзу. АҚШда капитализмнинг ривожланиши ва Америкадаги иккинчи инқилоб (фуқаролар уруши)

1. XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШ капиталистик ривожланишининг муҳим жихатлари. XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШ капитализмнинг жадал суръатларда ривожланишини бошдан кечирарди.

Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши мамлакат Шимоли ва ғарбининг умумий тенденцияси эди. Жанубда АҚШ иқтисодиётининг тенденцияси – плантацион қўлчилик хўжалигининг ўсиши намоён бўлди. Шимол ва Жанубнинг иқтисодий ривожланиш йўлларидаги фарқ АҚШнинг бутун тарихий ривожланиш йўлига кучли таъсир кўрсатди.

XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг биринчи ярми АҚШнинг шиддатли ҳудудий экспансияси даври эди. 1818 йилдан 1853 йилгача хиндулар ва Мексика билан бўлган босқинчилик урушлари ва янги ерлар истило қилиниши натижасида АҚШ ҳудуди анча кенгайди.

АҚШ XIX аср Европа урушларида иштирок этмади. Бу армияга йирик харажатлар қилмаслик имконини берди.

АҚШ ғарбида янги ҳудудларнинг босиб олиниши ва уларда манзилгоҳлар қурилиши бу ерга Европадан кўчманчилар келишига қулай шарт-шароит яратарди. Иммигрантлар орасида юз минглаб малакали хунармандлар ва ишчилар бор эди. Иммиграция мамлакат аҳолиси жадал суръатларда ўсишини таъминлади. 1850 йилга келиб улар 23,2 миллион кишига етди.

Хиндулар сурункали қирғин қилинди ва ёмон ерларга сиқиб чиқарилди. АҚШ ҳудудида хиндулар фуқаролик ҳуқуқига эга эмас эди. Улар махсус ажратилган ҳудудлар – резервацияларга мажбурий кўчирилди.

2. XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШ ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари. «Монро доктринаси» (1823).

АҚШ ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари: 1) иттифоқларда ва Европа давлатидаги урушларда иштирок этишдан бўйин товлаш; 2) улар ўртасидаги урушлар ва нифоқлардан янги ҳудудларни эгаллаш ва урушаётган тарафлар билан савдо қилиб бойлик орттириш учун фойдаланиш.

Президент Монро 1823 йил 2 декабрда АҚШ конгрессига юборган хатда баён этилган «Монро доктринаси».

«Монро доктринаси» мақсадларидан бири: 1) Америка қитъасида АҚШ мустақиллиги ва нуфузини мустаҳкамлаш; 2) АҚШни Европа давлатлари истило қилиши учун ҳар қандай имкониятларни бартараф этиш.

1854 йилда АҚШ таҳдидлар билан Испанияни Куба оролини ўзига сотишга уриниб кўрди, бироқ муваффақиятсизликка учради.

3. АҚШнинг ҳудудий экспансияси мамлакатда ҳам капитализм ва эркин фермерлик, ҳам кулчилик кенг ривожланишига имконият яратар эди.

1848 йилда Шимол фермерлари, хунармандлари ва буржуазиясининг бир қисми Буффало шахрида янги партия – фрисойлерлар партиясини ташкил қилдилар. Бу партиядо ишчилар ва хабашлар иштирок этарди. Фрисойлерларнинг талаблари: 1) янги ҳудудларда кулликка йўл қўймаслик; 2) ғарб ерларини скваттерларга текинга тарқатиш; 3) бу ерларни йирик ер чайқовчиларига сотишни тақиқлаш.

4. Америкада иккинчи инқилоб етилишининг сабаблари.

АҚШ умуман олганда ҳали аграр мамлакат бўлиб қолаётган эди. Машиналар ва саноат маҳсулотларининг аксарият қисми Англиядан келтириларди.

Шимол ва Жанубнинг ривожланиш даражасидаги тафовут кучайиб борди. кулчилик капитализмнинг ривожланиши йўлида бош тўсиқ бўлди.

Жануб хўжалиги Англияда сотиш учун пахта етиштиришга ихтисослашган эди.

Плантаторлар Англия товарларини олиб кириш учун пошлиналарни оширишга тўсқинлик қилардилар. Пошлиналарнинг пастлиги ва Жануб Англия фабрикалари учун хос ашё манбаига айлангани мустақил миллий саноатни ривожлантириш, ички бозорни кенгайтириш ва кулларни ёлланма ишчиларга айлантиришга интилаётган АҚШ буржуазиясининг норозиликка сабаб бўлди.

Шимол фермерлари ва капиталистлари шимоли-ғарб йўналишида темир йўллар қуришни талаб қилардилар, плантаторлар эса темир йўллар жанубда ва жануби-ғарбда қурилиши тарафдори эдилар.

50-йилларда ер масаласи кулдорлар ва фермерлар ўртасидаги зиддиятни кучайтирди. қашшоқлашган фермерлар ва батракларнинг кўпчилиги ўзига ғарбда ер майдонлари ажратилишини, бу ерда ташкил этилаётган янги штатларда кулчиликни тақиқлашни талаб қилардилар.

кулчилик масаласининг кескинлашуви сиёсий сабаблар билан ҳам боғлиқ эди. кулчилик тақиқланган штатлар сонининг кўпайиши

кулдорларнинг АҚШ Сенатидаги мавқеига путур етказиши мумкин эди. Бу хол АҚШда инқилобий вазият етилишига ва у фуқаролар уруши шакл-шамойилини касб этишига сабаб бўлди.

кулчиликка қарши фермерлар ва буржуазия, шу жумладан фрисойлерлар ва бошқа аболиционистлар 1854 йилда республикачилар партиясини ташкил қилдилар. Бу партия янги ерларда кулчиликнинг татбиқ этилишига қарши кураш шиори остида ҳаракат қилди.

Республикачилар партиясининг мавқеи кучайиб борди. 1860 йилда унинг раҳбарияти халқ орасида машҳур адвокат ва конгресс аъзоси Авраам Линкольнни президентликка номзод қилиб қўйди.

1860 йил ноябрда республикачилар партияси номзоди Авраам Линкольн (1809-1865) АҚШ президенти этиб сайланди. Бу кулдорлар федерал ҳукуматда ўз сиёсий гегемонлигини йўқотганини англатар эди.

Плантаторлар президент ҳокимиятини қўлдан чиқарганлари билан келишишни истамас эдилар. 1860 йил 20 декабрда Жанубий Каролина штати иттифоқдан чиқишини эълон қилди. Январда яна етти штат – Флорида, Жоржия, Алабама, Луизиана, Техас, Тенесси, Миссисипи иттифоқдан чиқди. Ажралиб чиққан штатлар маркази Ричмондда жойлашган Жанубий конфедерацияни ташкил этдилар ва Д.Дэвисни ўз президенти этиб сайладилар.

Линкольн президент лавозимини эгаллагач, Конфедерация қўшинлари 1861 йил 12-13 апрелда Чарлстон яқинидаги Форм-Самтерни эгаллаб олдилар. 15 апрелда Линкольн жанубликларни исёнчилар деб эълон қилди ва шу тариқа АҚШда фуқаролар уруши бошланди.

1863 йилда Конфедерация қўшинлари тор-мор келтирилди ва чекина бошлади.

Генерал Ли қўшинлари Аппоматтокс яқинида қуршовга олинди ва 1865 йил 9 апрелда таслим бўлди. Уруш тугади.

Линкольн ҳукумати жабрланувчиларни қуролсизлантириш ва узил-кесил зарарсизлантириш учун ҳеч қандай чора қўрмади. Натижада 14 апрелда театрда А.Линкольн Конфедерация тарафдори актер Бутс томонидан ўлдирилди.

Адабиётлар:

А.Асосий адабиётлар:

1. Новая и новейшая история (1870-1982 гг.). М., 1984.
2. Новейшая история (1939-1986). М., 1987.
3. Новейшая история (1939-1988). М., 1989.
4. История новейшего времени стран Европў и Америки (1918-1945 гг.). М., 1989.
5. Новая история (второй период). М., 1984.
6. Новая история стран Европў и Америки (первўй период). М., 1986.
7. Новейшая история стран Европў и Америки (1918-1992). М., 1993.

Б. қўшимча адабиётлар:

1. Александров В.В. Новейшая история стран Европў и Америки (1945-1986). М., 1988.
2. Странў мира: Краткий политико-экономический справочник. М., 1987.
3. О войне и мире: из истории стран Западной Европў и Америки (новейшее время). М., 1990.
4. Европейский альманах: история, традиции, культура. М., 1990.

ЯНГИ ТАРИХ

II қисм

1-мавзу. Франция-Пруссия уруши

Франция-Пруссия урушининг сабаблари. 1848 инқилоб мағлубиятга учраганидан сўнг, XIX асрнинг 50-60-йилларида Францияда йирик капитал хукм сура бошлади. Давлат тепасида Наполеон III турарди. У хокимиятга 1851 йил 2 декабрда юз берган реакцион давлат тўнтариши натижасида келди. Орадан бир йил ўтгач, Наполеон ўзини император деб эълон қилди.

Наполеон III йирик буржуазия манфаатларини ифода этарди. 60-йилларнинг иккинчи ярмида унинг мавқеи пасайди. Мамлакатда норозилик кучайиб борди. Наполеон III хукумати вазиятни Пруссия билан уруш ёрдамида ўнглашга қарор қилди. У Пруссияни яксон қилиб, Германияни бирлаштиришга чек қўйиш ва Рейндан ғарбдаги ерларни эгаллашни мўлжаллади. Наполеон III хукумати урушдаги ғалаба билан ўз мавқеини мустахкамлашга умид қилди.

Бисмарк бошчилигидаги Пруссия монархияси бир неча йилдан бери Франция билан урушга тайёргарлик кўрарди. Мақсад Германияда Пруссия хукмронлигининг мустахкамланиши йўлидаги бош тўсиқни бартараф этиш, демократик ҳаракатни бостириш эди.

Шундай қилиб, иккала томон – Франция ҳам, Пруссия ҳам урушга интиларди.

Урушининг бошланиши. Орадан кўп ўтмай, Франция ва Пруссия ўртасида Испания қиролининг бўшаган тахтига ворислик масаласи юзасидан низо чиқди. Музокаралар чоғида Бисмарк уруш чиқариш учун атайлаб Франция хукуматини ҳақорат қилди. У ўз ниятига эришди. 1870 йил 19 июлда Франция Пруссияга уруш эълон қилди.

Седан остонасидаги жангда Франция қўшининг мағлубияти. Урушнинг биринчи кунлариданоқ Пруссия қўшинининг устунлиги яккол сезила бошлади. Франция қўшинларидан бири Мец қалъасида, император бошчилигидаги қўшин эса Седан яқинида қуршовга олинди. 1870 йил 1 сентябрдаги жангда бу қўшин яксон қилинди, унинг қолдиқлари Седан қалъасида қамалга олинди. Француз қўмондонлиги қаршиликни ташкил эта олмади. Наполеон III саросимага тушиб, оқ байроқ кўтаришни буюрди.

1870 йил 4 сентябрь инқилоби. Седан остонасидаги мағлубият ҳақидаги хабар Парижга етиб келгач, Франция пойтахтида Наполеон тузумига қарши кўзғолон кўтарилди. 1870 йил 4 сентябрда халқ қонунчилик корпуси биносига бостириб кириб, республика ўрнатиш ва ватанни химоя қилишни талаб қилди. қонунчилик корпуси императорни тахтдан махрум этишни эълон қилишга мажбур бўлди. Янги ҳукумат – Миллий мудрофаа ҳукумати ташкил этилди. Шу тариқа ҳокимиятни буржуазия эгаллади. Халқ оммасининг тазйиқи остида у Францияни республика деб эълон қилишга мажбур бўлди.

Германия қўшинининг Парижни қамал қилиши. Седандаги мағлубиятдан сўнг Парижга йўл очилди. Германия қўшинлари Парижга қараб йўл олдилар ва уни қамал қилдилар. Франция миллий гвардияси пойтахтни немислардан химоя қилишга отланди.

Бироқ ҳукумат 1871 йил 28 январда халқдан яширинча Пруссия олдида таслим бўлди ва билан сулҳ битими тузди. Шундан кейин ҳукумат Миллий мажлисга сайлов ўтказишга шошилди. қамалдаги Париж сайловда иштирок эта олмади. қишлоқларда рухонийлар дехқонларни монархия тарафдорлари учун овоз беришга даъват этдилар. Душман ишғол қилган ҳудудда ҳукумат реакцион номзодларни хар томонлама қўллаб-қувватлади. Мажлиснинг 700 депутатидан 450 киши монархистлар эди.

2-мавзу. 1871 йил 18 мартдаги Пролетар инқилоби

1871 йил 18 март Пролетар инқилоби ва унинг сабаблари. Миллий мажлис аввал Бордо шаҳрида иш олиб борди, сўнгра Версалга кўчиб келди. Бу ерда буржуазия Париж ишчилари ва миллий гвардияга қарши хужумга тайёргарлик кўра бошлади. Миллий гвардия аъзоларининг маоши бекор қилинди. Демократик газеталар фаолияти тақиқланди. Инқилобчи арбоблар қамоққа олина бошланди. Ҳукумат қўшинларининг миллий гвардияни қуролсизлантиришга уриниши Париж ишчилари қўлга қурол олишига туртки берди. Бу 18 мартга ўтар кечаси юз берди.

1871 йил 18 март дунёдаги биринчи пролетар инқилоби куни бўлди: тарихда биринчи марта буржуазия ҳокимияти ағдарилди. Бироқ бу фақат пойтахт чегарасида юз берди.

Ҳокимият Коммуна Кенгашига ўтиши. 26 мартда Париж Коммунаси Кенгашига сайлов ўтказилди. Умумий сайловда 85 киши сайланди. Буржуа

кварталларида сайланганлар (21 киши) инқилоб душманлари бўлиб чиқди ва тез орада Кенгашдан чиқарилди.

Коммунадаги сиёсий оқимлар. Коммуна Кенгаши аъзоларининг кўпчилиги аниқ сиёсий мўлжалга эга эмасди. Уларнинг аксарияти бланкистлар ва ноякобинчилар тарафдори эди. Коммунага Парижнинг икки округидан сайланган Бланки 18 март арафасида қамоққа олинди ва Кенгаш ишида иштирок эта олмади. Бироқ унинг тарафдорлари Коммунанинг энг фаол арбоблари эди.

18 март инқилобидан кейин ҳукумат хизматчиларининг бир қисми Версалга қочди, қолганлари эса янги ҳокимият учун ишлашдан бош тортди. Коммуна олдида янги давлат аппаратини тузиш вазифаси кўндаланг бўлди. Бу қисқа муддат ичида амалга оширилди. Халқ вакилларида сайланган Коммуна Кенгаши давлат ҳокимиятининг олий органига айланди. Кенгаш қонунлар қабул қилди. Уларни амалга ошириш учун ўнта комиссия тузилди.

Коммунанинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати. Париж коммунаси атиги 72 кун фаолият кўрсатди. Шу давр мобайнида у версалчиларга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Эгалари Париждан қочиб кетган барча корхоналар ишчилар кўлига топширилди. Кенгашнинг Меҳнат, саноат ва айирбошлаш бўйича комиссияси бу корхоналарда ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Эгаларининг кўлида қолган корхоналарда Коммуна ишларга тўланадиган ҳақ устидан назорат ўрнатди.

Черков давлатдан ажратилди. Коммуна уни моддий ёрдамдан махрум этди. Мажбурий бепул таълим жорий этилди. Янги мактаблар очилди. Коммуна болалар боғчалари ва яслилар ташкил этиш режасини ишлаб чиқди.

Коммуна мағлубиятининг сабаблари. Нима учун Париж коммунаси ғалаба қозонмади? Бунга 1871 йилда Францияда хали шарт-шароит яратилмаган эди. Пролетариат хали кам сонли бўлиб, мамлакат аҳолисининг кўпчилигини деҳқонлар ва майда буржуазия ташкил этарди.

3-мавзу. XIX аср охири – XX аср бошларида капиталистик мамлакатлар ривожланишининг энг муҳим хусусиятлари

1-савол

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши. XIX аср охири – XX аср бошларида капиталистик жамиятнинг ривожланиши иқтисодиётдаги янги ходисалар ҳамда буржуазия ва пролетариат ўртасидаги зиддиятнинг кучайиши билан тавсифланади.

Ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши саноат жадал суръатларда юксалишига сабаб бўлди. Бош ишлаб чиқарувчи куч – ишчилар сони XIX аср охирига келиб 70-йиллардагига нисбатан икки баравар кўпайди ва 40 млн. кишига етди. XX аср биринчи ўн йиллигининг охирида уларнинг сони Европа ва Шимолий Американинг саккиз етакчи мамлакатада 90 млн. кишини ташкил қилди. XIX асрнинг сўнгги чорагида илгари Англия, АҚШ ва

Францияда нихоясига етган саноат инқилоби Европанинг бошқа мамлакатлари ва Японияда нихоясига етди ёки ета бошлади.

Фан ва техника тараққиёти саноат жадал суръатларда ривожланишига имконият яратди.

Йирик корхоналарнинг эгалари кичик ва ўрта тадбиркорларни бозорлардан сиқиб чиқардилар, ўзларига бўйсундирдилар ёки хонавайрон қилдилар.

Монополия – бу ишлаб чиқариш ва маълум товарларни сотишнинг катта қисмини назорат қилувчи капиталистик корхона ёки корхоналар бирлашмаси. Бу унга меҳнат ва нарх белгилашнинг ўзига маъқул шартларини қўйиш имконини беради.

2-савол

Империализм – капитализмнинг алоҳида босқичи. Саноат монополиялари ташкил топиши билан банкларнинг вазифаси ўзгарди. Дастлаб улар тўловларни амалга оширишда воситачилик қилар, омонатларни қабул қилар ва ссудалар берарди. Бунда банклар ссудаларни ўз капиталидан эмас, балки асосан капиталистлар ва бошқа пулдорларнинг жамғармалари хисобидан берардилар.

XIX ва XX асрлар чегарасида банк капиталининг асосий қисмини назорат қилувчи банк монополиялари вужудга келди. Англияда атиги бешта қудратли банк, Германияда – олтига, Францияда – учта банк ҳукмронлик қиларди. АҚШда икки банк – Морган ва Рокфеллер банклари айниқса катта куч-қудрат касб этди. Саноатдаги каби, банк ишида ҳам монополияга даъвогарлар ўртасида кучли рақобат юзага келди. қудратли банклар саноат, савдо ва транспортнинг монополиялашиш жараёнини тезлаштирди. Улар фақат қудратли корхоналарга пул берар эди.

Молия капиталининг вужудга келиши. Молия олигархияси. Банклар монополияларга кўп миқдорда ссуда берар экан, ўз қарздорларининг иши яхши боришидан манфаатдор эди. Банклар қарз олинган маблағларнинг сарфланиши устидан назоратни талаб қиларди. Улар кредит бериш ёки уни кенгайтириш, кредит олиш шартларини енгилаштириш ёки оғирлаштириш, акциялар чиқариш ва уларни жойлаштириш йўли билан саноат корхоналарини ўзига бўйсундирарди. Кўпгина банклар акциядорлик компаниялари таъсис этди.

Молия ва ишлаб чиқариш соҳасидаги корчалонлар иқтисодиётда ҳукмронликни қўлга киритгач, ўз ҳукмини сиёсий ҳаётга ҳам ўткази бошладилар. Ҳукуматлар уларнинг хоҳиш-иродасини бажарарди. Бу корчалонлар парламент фаолиятини белгиларди. Монополияларнинг вакиллари давлат аппаратида раҳбарлик лавозимларини тобора кўпроқ эгаллаш бошлади. Шу тариқа молия олигархиясининг ҳукмронлиги ўрнатилди.

Капиталистларнинг иттифоқлари ўртасида дунёнинг иқтисодий бўлиб олиниши. Меҳнаткашларнинг харид қобилияти паст бўлган шароитда

капиталистик мамлакатларнинг ички бозори ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларини тўла хазм қилишга қодир эмасди. Монополиялар ташқи бозорларни эгаллашга интиларди. Бунга капиталнинг олиб чиқиб кетилиши имконият яратди. Масалан, бирон-бир иқтисодий ривожланган мамлакат капиталистлари ўз маблағларини бошқа мамлакатда темир йўл қуришга жойлаштиради, рельслар, паровозлар, кўприк қуришга темир ва шу кабиларга талаб пайдо бўларди. Капитал экспорти кетидан бу материаллар экспорти ҳам ўсиб борарди.

Капиталистик давлатлар ўртасида дунёнинг ҳудудий бўлиб олиниши. Бироқ дунёнинг иқтисодий бўлиб олиниши у ёки бу бозорга монополиянинг сақланишини тўла қафолатламас эди. Мустамлака рақиблар суқилиб киришидан яхшироқ химояланган эди. Айнан мустамлакаларда монополистик бирлашмалар энг катта даромад олар эди. Шу сабабли монополистик капитализм даврида мустамлакаларни эгаллаш кучайди. Бу дунёни ҳудудий бўлиб олиш якунланишига олиб келди.

Мустамлакаларда эксплуатация ўзининг ўта шафқатсизлиги билан ажралиб турарди. Мустамлакалардан арзон хом ашё олинар, метрополиядан олиб келинган маҳсулотлар бу ерда мўмай пулга сотиларди. Мустамлакаларда тўланадиган меҳнат учун ҳақ метрополиядагидан бир неча баравар паст эди. Аҳолидан кўп миқдорда солиқлар ундирилди.

1876 йилдан 1914 йилгача олти империалистик давлат (Англия, Франция, Германия, Россия, АҚШ ва Япония) жуда катта ҳудудларни босиб олди.

4-мавзу

1-§. XIX аср охири – XX аср бошларида Германия

Германия бирлашишининг якунланиши. 1871 йил январда, Париж қамали кунларида, Германия барча давлатларининг монархлари Версалда йиғилиб, Пруссия қироли Вильгельм I ни Германия императори деб эълон қилдилар. Шимолий Германия иттифоқига илгари кирган давлатлар қаторига яна Жанубий Германиянинг тўрт давлати қўшилди. Шундай қилиб, Франция-Пруссия уруши даврида Германиянинг миллий бирлашиши якунланди, ягона Германия империяси ташкил топди.

Германия саноати жадал суръатларда ўсишининг сабаблари. XIX аср ўрталарида Германия асосан аграр мамлакат бўлиб, аҳолисининг аксарият қисми қишлоқларда ва кичик шаҳарларда яшарди. Мамлакатда фақат олти-еттита катта шаҳар бор эди. Германия капиталистик саноатининг ўсиши натижасида ишлаб чиқариш энг йирик ва қудратли корхоналарда жамланди ва монополиялар вужудга келди. 70-80-йилларда Германия саноатининг айрим тармоқларида кучли рақобат кураши натижасида ишлаб чиқаришнинг жамланиши шунга олиб келдики, корхоналар сони бир неча ўнтагача қисқарди. АҚШдан ташқари, ҳеч қаерда монополиялар Германиядагидек тез ривожланмаган эди.

XIX-XX аср чегарасида Германия капитализми аста-секин монополистик хусусият касб эта бошлади. Йирик капиталистик бирлашмалар тузилди. 1905 йилга келиб Германияда 12 минг йирик корхоналарни қамраб олган 385 капиталистик бирлашмалар бор эди.

Германиядаги сиёсий тузум. 1871 йилда таъсис рейхстаги (парламент) бутунимперия конституциясини қабул қилди. Бу конституцияга биноан Германия империяси немис давлатлари иттифоқи хисобланарди. Иттифоқ таркибига 22 монархия ва уч «эркин шаҳар» (Гамбург, Бремен ва Любек) кирди. Бу давлатларнинг ҳар бири маълум даражада мустақилликни сақлаб қолди. Улар ўз ҳукуматлари ва ўз маҳаллий парламенти – ландтагларга эга эди.

Пруссия Германия империясининг энг йирик давлати эди. Пруссия кироли Германия императори деб эълон қилинди. Иттифоқ кенгашида энг кўп вакиллар ҳам Пруссиядан эди.

Бисмарк бошқаруви. Германия империяси ташкил топгани захоти Германия императори деб эълон қилинган Пруссия кироли Вильгельм I Бисмаркни империя канцлери этиб тайинлади. Бисмарк бу лавозимни 1890 йилгача эгаллаб турди. У йигирма саккиз йил (1862 йилдан) Пруссияни, йигирма йил – бутун империяни бошқарди.

Бисмарк юнкерлар ва йирик капитал манфаатларини ифода этарди. Келиб чиқишига кўра прусс юнкери бўлган Бисмарк ўз сиёсий эътиқодларига кўра монархиячи эди. У юнкерлик жадал ривожланаётган йирик капитал манфаатларини рад этиши мумкин эмаслигини жуда яхши тушунарди. Шу сабабли ўз ички ва ташқи сиёсатида Бисмарк юнкерлик ва йирик капитал ўртасида яқин алоқани сақлашга ҳаракат қилди.

70-80-йилларда Германиянинг агрессив сиёсати. 70-80-йилларда Германия ҳукумати икки марта Францияга қарши янги уруш бошлашни мўлжаллади. Бундан мақсад Францияни Германия вассали даражасига тушириш ва шу тариқа Европада Германиянинг гегемонлигини ўрнатиш эди. Бироқ бунга Россия халақит берди. У Германиянинг янада кучайишидан хайиқарди. Россия ҳукумати Германия ҳукуматига Россия Франциянинг қайта тор-мор келтирилишига йўл қўймаслигини шаъма қилди. Германия чекинди, бироқ ўз ниятидан воз кечмади.

Франция билан урушга тайёрланар экан, Германия ўзига иттифоқчилар қидира бошлади. 1879 йилда у Болқон яриморолида Россия билан рақобатлашаётган Австрия-Венгрия билан иттифоқ тузди. 1882 йилда Австрия-Германия иттифоқига иккала иштирокчи – Германия ва Австрия-Венгриянинг Италия билан иттифоқи қўшилди. Бу пайтга келиб Италиянинг Франция билан муносабати ҳам кескин тус олган эди. Бунга асосан 1881 йилда Франция Италия даъвогар бўлиб турган Тунисни босиб олиши сабаб бўлди.

Германия, Австрия-Венгрия ва Италиянинг 1882 йилги ҳарбий битими Учлар иттифоқи номини олди. Шундай қилиб, Германия нафақат Франция, балки Россияга ҳам қарши бўлган иттифоққа раҳбарликни қўлга киритди.

Европада урушга тайёргарлик кўриш асносида Германия ўз йирик капитали талаб қилаётган мустамлакаларни босиб ола бошлади. Бунда Германия мустамлакачилари тинч аҳолини қирғин қилдилар ва аёвсиз таладилар. 80-йилларда Германия Африка қитъасидаги илк мустамлакалар – Жануби-ғарбий ва Шарқий Африканинг бир қисми, Того, Камерунни босиб олди.

Шу даврда немис мустамлакачилари Тинч океани хавзасига ҳам кириб келдилар ва бу ерда Янги Гвинея оролининг шимоли-шарқий қисмини ва яқинда жойлашган ороллари ишғол қилдилар. Бироқ эгалланган мустамлакалар Германия капиталистларига кам кўринди. Улар кўпроқ худудларга эга бўлишни хоҳлар эдилар.

XIX асрнинг 90-йилларида Германия ташқи сиёсатининг янги босқичи бошланди.

2-§. Англия. Англиянинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши. Англия империализмининг мустамлакачилик хусусияти

Англияда монополияларнинг ривожланиши. XIX асрнинг сўнгги ўн йилликларида Англия ўзининг жаҳондаги энг қудратли саноатлашган мамлакат сифатидаги мавқеини йўқота бошлади. 70-йилларда ёш капиталистик мамлакатлар – Германия ва АҚШ саноати Англия саноатидан ўзиб кетди. Англия саноати суст ривожланишининг сабабларидан бири унинг техник жихатдан қолақлиги эди. Капиталистик ишлаб чиқариш бошқа мамлакатлардан олдинроқ бошланган Англияда эскирган асбоб-ускунали заводлар ва фабрикалар жуда кўп эди.

Англия капиталистлари ўз маблағларининг катта қисмини банкларга жойлаштирарди. Бу ҳам Англия саноатининг ривожланишини секинлаштирарди. Бироқ капиталистик мамлакатларнинг бирортасида ҳам банклар Англиядаги каби йирик маблағларга эга эмасди.

Англиядан капитал асосан унинг мустамлакаларига ва Европадан ташқаридаги бошқа мамлакатларга, айниқса АҚШга ва Лотин Америкаси республикаларига экспорт қилинарди. Биринчи жаҳон уруши арафасида Франция ва Германия биргаликда қанча маблағни экспорт қилган бўлса, Англиядан шунча маблағ экспорт қилинди.

қишлоқ хўжалиги Англия иқтисодиётида кам ўрин эгалларди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёнинг аксарият қисмини Англия бошқа мамлакатлардан, шу жумладан ўзининг кўп сонли мустамлакаларидан олиб келарди.

XIX аср охирида либераллар ва консерваторлар. Англияда сиёсий тузум асосан XVII-XVIII асрларда ва XIX асрнинг биринчи ярмида шаклланган эди. XIX аср охири – XX аср бошларида у деярли ўзгармади: Англияда парламентар монархия амал қилишда давом этди. У ҳозирги кунда ҳам мавжуд.

Англия ва Германия ўртасидаги рақобат. Антантанинг ташкил топиши. XIX асрнинг 90-йилларида Англия ва Германия ўртасидаги муносабатлар ёмонлаша бошлади. Германия товарлари Англия товарлари билан рақобатлашиб, уларни бир қанча мамлакатларнинг бозорларидан сиқиб чиқара бошлади. Германия Англиянинг мустамлакачилик жабҳасидаги ва денгиздаги пешқадамлигига дахл этди. Германия империалистлари мустамлакалар ўз фойдасига қайта бўлинишига эриша бошладилар ва ҳатто жаҳонда ҳукмронликни қўлга киритишни мўлжалладилар.

Ўз томонидан Англия ҳам Германияга ўзининг энг хавфли душмани деб қараб, унга қарши урушга тайёргарлик кўра бошлади. Германия катта харбий флот қураётгани туфайли, Англия ҳукумати ўз харбий-денгиз кучларини янада кучайтиришга киришди. Бундан ташқари, Англия Франция ва Россия билан яқинлашиш чораларини кўрди.

1904 йилда Антанта («келишув») деган ном билан машҳур Англия-Франция битими тузилди. Бу битим билан икки империалистик давлатнинг мустамлакалар борасидаги низолари тартибга солинди: Франция Англиянинг Мисрдаги ҳукмронлигини тан олди, бунинг эвазига Англия французлар Марокашни босиб олишига монелик қилмаслик мажбуриятини олди.

1907 йилда Англия-Россия битими имзоланди. Унга биноан Англия ва Россия Эрон ва Тибетдаги ўзаро низоларини ҳал қилдилар. Бунда Эрон Англия ва Россия ўртасида «таъсир соҳалари»га бўлиб олинди: мамлакатнинг жанубий қисмида инглиз империалистлари, шимолий қисмида – рус империалистлари ҳукмронлик қиларди. Англия-Россия битими тузилиши натижасида уч томонлама Антантанинг ташкил топиш жараёни яқунланди. Англия Франция ва Россия билан тузган битимлар Германияга қарши урушга тайёргарлик жараёнида муҳим босқич бўлди.

3-§. Франциянинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиши

Саноат ривожланиш суръатининг пасайиши. Пруссия билан урушда оғир мағлубиятга учраб, икки иқтисодий ривожланган провинциялар – Эльзас ва Лотарингиядан айрилгач ва 5 млрд. франк миқдорида контрибуция тўлагач, Франциянинг иқтисодий ривожланиш суръати пасайди. Франция буржуазияси ўз ватанидаги саноат корхоналарига маблағларни жойлаштиришни хохламаслиги ҳам саноатнинг ўсишига монелик қиларди. Буржуазия ўз капиталини асосан даромад кўпроқ бўлган четдаги қолок мамлакатларга жойлаштиришни маъқул кўрарди.

Капитал Франциядан қисман унинг мустамлакаларига, бироқ кўпроқ Россия, Болқон мамлакатлари, Туркия ва Испанияга олиб чиқиб кетиларди. Франция банклари бу мамлакатларнинг ҳукуматларига жуда катта фоиз эвазига кредит берарди. Чор ҳукуматига айниқса кўп миқдорда қарз берилган эди. Франция бу кредитлардан Россияни ўзига иттифоқчи қилиб сақлаб қолиш учун ҳам фойдаланарди.

Франциянинг банк капитали дунё миқёсида судхўрга айланиб борарди.

қишлоқ хўжалигидаги ахвол. XIX аср охирида Францияда ахолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги билан шуғулланарди. Мамлакатда майда деҳқон хўжаликлари кўпчиликти ташкил этарди. Майда деҳқонлар такомиллаштирилган техникадан фойдаланиш имкониятига эга эмасди, ерга примитив асбоблар билан ишлов берарди. Шу сабабли ҳосилдорлик жуда паст бўлиб, ҳатто деҳқонларнинг ўз эҳтиёжларини ҳам қондирмасди.

1875 йилда Миллий мажлис қабул қилган конституцияга биноан Франция парламент республикаси деб эълон қилинди. Бу Учинчи республика эди. «Марсельеза» Франциянинг миллий мадҳияси деб эътироф этилди. Бастилия қулаган кун – 14 июль миллий байрам сифатида нишонланадиган бўлди. 1875 йил Конституцияси 1940 йилгача, яъни Франция гитлерчилар қўшинига таслим бўлгунга қадар амал қилди.

Мустамлакачи империянинг ташкил топиши. Франция ҳукумати ўз молия олигархиясининг ортиқча капиталларини қулай жойлаштириш учун янги жойлар қидириб, мустамлакачилик йўлига кирди. 1881 йилда Тунис босиб олинди. 1883 йилда Франция қўшинлари Аннам (Марказий Вьетнам)ни эгаллади ва Тонкин (Шимолий Вьетнам)га бостириб кирди. 90-йиллар охирига келиб Франция бутун Вьетнамни ишғол қилди.

1894 йилда Мадагаскар ороли учун уруш бошланди. Бу уруш икки йил давом этди. 1896 йилда Франция оролни аннексия қилди. Франция ғарбий Африкадаги катта ҳудудларни ҳам эгаллади.

XX аср бошига келиб Франция Африка ва Индохитойда катта ҳудудларга, Океания ва Вест-Индиядаги бир қанча оролларга эгалик қиларди. Натижада улкан мустамлакачи империя ташкил топди. Франциянинг Африкадаги ерларининг ўзи майдон жихатидан Франциянинг ўз ҳудудидан 17 баравар катта эди.

Франция ва Германия ўртасида зиддиятнинг кучайиши. Франциянинг урушга тайёрланиши. Франция империалистлари ўз мустамлакачилик сиёсатида нафақат Англия, балки Германия билан ҳам тўқнаш келдилар.

Германия монополистик капитали Марокашга катта қизиқиш билан қарарди. Франция мустамлакачилари ўз навбатида унинг бойликларига кўз тикардилар. Улар Марокашга ўзлари босиб олган Жазоирнинг табиий давоми деб қарардилар.

1904 йил битимига кўра Англия империалистлари билан мустамлака ва қарам мамлакатлардаги таъсир соҳаларини бўлашиб олгач, Франция империалистлари Марокашда ўз мавқеини мустаҳкамлай бошладилар. Улар Германия билан урушга фаол тайёргарлик кўра бошладилар. Армия тез қайта қурулантирилди, истеҳкомлар қурила бошлади. Урушга тайёргарлик 1870 йилги мағлубият учун ўч олиш, Эльзас ва Лотарингияни қайтариш шиори остида ўтди.

4-§. Америка қўшма Штатлари

1-савол. Молия олигархиясининг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлиги

АқШ саноати ва қишлоқ хўжалигида капитализмнинг жадал ўсиши. 1861-1865 йиллардаги фуқаролик урушида кулдорлар Жанубининг мағлубияти АқШда капитализмнинг жадал ривожланишига йўл очди. кулчиликнинг тугатилиши, давлат ер майдонларининг тақсимланиши, бунинг натижасида мамлакат ғарбидаги катта худудларга кўчманчилар келиб жойлашиши, темир йўлларнинг қурилиши ички бозорнинг кенгайишига олиб келди. Бу АқШда капитализм бунгача жахоннинг бирорта ҳам капиталистик мамлакати кўрмаган юқори суръатларда ривожланишига имконият яратди.

АқШда капитализмнинг тез ўсишига мамлакатда бой табиий ресурслар, аввало кўмир, темир, нефть, мис, ўрмонларнинг мавжудлиги ҳам имконият яратарди. Европа мамлакатларининг капиталларидан фойдаланиш, собиқ хабаши занжирлар ҳамда Европа ва Осиёдан келган мухожирлар шафқатсиз эксплуатация қилиниши ҳам АқШнинг иқтисодий ривожланиш жараёнини жадаллаштирди.

XIX аср охиридан АқШ империализм босқичига қадам қўйди. Мамлакатда ишлаб чиқариш ва капиталнинг жамланиши, асосан трестлар шаклида капиталистик бирлашмалар ташкил топиши жараёни давом этди. Биринчи трест 1870 йилда Рокфеллер томонидан тузилган «Стандарт Ойл Компани» нефть компанияси эди. Унга нефть конларидан ташқари нафақат Америкада, балки бошқа мамлакатларда ҳам бир неча ўн минг километр нефть қувур йўллари, юзлаб океан кемалари, омборлар, доклар ва шу кабилар қарашли эди. Нефть жабхасини эгаллагач, трест газ ва электр саноати, мис, кўрғошин конлари ва бошқа корхоналарни ўзига бўйсундира бошлади.

АқШ трестлар мамлакатига айланди. Трестларнинг ривожланиши банклар қудратининг ошиши билан ҳамоҳанг эди. Саноатда капиталнинг жамланиши банк капиталининг жамланишига ҳам олиб келди. Акциядорлик корхоналарининг тарқалиши саноатга банклар кириб келишига имконият яратди. Банклар кўп сонли саноат ва транспорт корхоналарининг эгасига айланди. Бошқа ривожланган капиталистик мамлакатлар каби АқШ ҳам молиявий капитал мамлакатига айланди.

Икки партияли тизим. Фуқаролар урушидан кейин АқШда икки буржуа партияси: республикачилар ва демократлар партиялари мавжуд эди. Республикачилар партияси асосан Шимол ва Шимоли-Шарқнинг йирик саноатчилари ва молиячиларига таянарди. Фуқаролар урушидан кейин у 20 йил ҳокимиятни бошқарди. Демократик партия Жанубнинг йирик ер эгалари, саноатчилари ва молиячилари вакили эди. Капитализмнинг ривожланишига қараб партиялар ўртасидаги фарқ йўқолиб борди. Улар монополистик капитал манфаатларини ифода эта бошладилар ва ҳокимиятни галма-гал эгаллаб турдилар.

2-савол. АқШнинг аргессив ташиқи сиёсати

АқШнинг мустамлакаларни қўлга киритиши. XIX асрнинг 90-йилларида АқШ Америка қитъасидан ташқарида мустамлакаларни қўлга киритиш сиёсатини олиб борди. Буни ҳукуматдан капиталистик монополиялар қатъий талаб қилдилар. АқШнинг Гавай ороллари босиб олиши (1898 йил) мустамлакачилик империясини яратиш йўлида ташланган муҳим кадам бўлди.

Испания-Америка уруши. АқШ дунёнинг бўлиб олинишида иштирок этишга кечикди. XX аср бошига келиб ер юзида мустамлакага айлантириш мумкин бўлган истило қилинмаган ер деярли қолмади. Шу сабабли АқШ Испания монархиясидан «ўлжа»ни тортиб олишни мўлжаллади. АқШни Испанияга қарашли бўлган Куба ороли кўпроқ қизиқтирарди, чунки бу орол иқтисодиётига АқШ кўп миқдорда капитал жойлаштирганди.

АқШ Испанияга қарши уруш тайёрлай бошлади. 1898 йил апрелда АқШ конгресси Испанияга уруш эълон қилди. Уруш уч ой давом этди ва Испаниянинг мағлубияти билан тугади. 1898 йил охирида Парижда имзоланган тинчлик шартномасига биноан АқШ Филиппин ороллари, Пуэрто-Рико ва Гуам ороллари қўлга киритди. Испания ўзининг Куба устидан ҳукмронлигидан воз кечди.

АқШнинг империалистик сиёсати. XIX асрнинг 90-йилларида АқШ империализми Хитойга кўз тикди. АқШдан илгари Хитойга кирган Англия, Япония ва бошқа давлатлар бу ерга Америка капиталининг кириб келишига тўсқинлик қиларди. 1899 йилда АқШ ҳукумати бошқа давлатларга Хитойга нисбатан «очиқ эшиклар» сиёсатини олиб бориш талаби билан мурожаат этди. Хитой барча хорижий капиталистлар учун очиқ бўлиши керак эди. «Очиқ эшиклар» сиёсати АқШ империалистлари қўлида қудратли қуролга айланди. АқШ бошқа империалистик давлатлар билан бирга 1900 йилда Хитойдаги халқ қўзғолонини бостиришда фаол иштирок этди.

5-мавзу. Биринчи жаҳон уруши (1914-1918 йиллар)

1-савол. Уруш сабаблари ва унинг бошланиши

Икки агрессив блокнинг ташкил топиши. Капиталистик давлатлар ўртасида зиддиятнинг кучайиши икки милитаристик гуруҳ: 1882 йилда Учлар иттифоқи ва 1893 йилда Франция-Россия иттифоқи ташкил топишига олиб келди. Германия томонидан рақобатнинг кучайиши ва немис ҳукмрон давраларининг мустамлакаларни кенгайтиришга интилиши шунга сабаб бўлдики, XX аср бошига келиб Англия ва Германия ўртасидаги зиддият биринчи ўринга чиқди. Англия Германия билан урушга тайёрланиш учун иттифоқчилар қидиришга мажбур бўлди. 1904-1907 йилларда Англия, Россия ва Франция иттифоқи – Антанта ташкил топди. 1914 йилга келиб асосий империалистик давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ўта кескинлашди. Уларнинг барчаси урушга фаол тайёргарлик кўрарди.

Урушнинг бошланиши. Урушнинг бошланишига Австрия ва Сербия ўртасидаги навбатдаги жанжал сабаб бўлди. Сербияда барча жанубий славянларни Австрия-Венгрия зулмидан озод қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган миллий ташкилотлар кўп эди. Уларнинг аксарияти индивидуал террор тактикасини қўлларди. Шу ташкилотлардан бири Австрия ва Венгрия тахтларининг вориси эрц-герцог Франц-Фердинандни ўлимга ҳукм қилди ва 1914 йил 28 июнда ўлдирилди.

Тахт вориси ўлдирилгани захоти Вена ҳукумати Берлинга мадад сўраб мурожаат қилди. Император Вильгельм II немис империалистларининг манфаатларини кўзлаб Австрия-Венгрияни урушга даъват этарди. Германия кулай вазиятдан фойдаланишга қарор қилди.

Урушнинг хусусияти. Бошланган уруш империалистик, босқинчилик, иккала томондан ҳам адолатсиз уруш эди. Фақат Сербия бу урушда ўз мустақиллиги учун кўп йиллик курашни давом эттирди. Унинг учун бу уруш миллий озодлик уруши эди. Бироқ бу биринчи жаҳон урушининг умумий талончилик хусусиятини ўзгартирмасди.

2-савол. 1914-1917 йилларда Германия қўмондонлиги стратегик режаларининг барбод бўлиши. Урушга АҚШнинг қўшилиши

Германиянинг «яшин тезлигидаги уруш» режаси. Урушга кирган ҳар бир томон ҳарбий ҳаракатларнинг олдиндан ишлаб чиқилган ўз режасига эга эди. Германия режаси – «Шлиффен режаси» (урушдан олдин вафот этган Германия бош штаби кўп йиллик раҳбарининг номига қўйилган) тез ғалаба қозонишга мўлжалланган эди. Германия қўшинлари мустаҳкам Франция-Германия чегарасини айланиб ўтиши, Люксембург ва Бельгиянинг яхши ҳимояланмаган ҳудудлари орқали жадал суръатларда юриб ўтиб, Франция қўшинларини яқсон қилиши, мамлакатнинг бутун шимолий қисмини эгаллаши, шу тариқа Францияни таслим бўлишга мажбурлаши лозим эди. Шундан кейин қўшинларни иттифокчисиз қолган Россияга қарши ташлаб, Австрия-Венгрия билан биргаликда уни қисқа вақт ичида тор-мор келтириш мўлжалланган эди. Германия Англия Антанта томонида урушга қўшилмайди деб умид қиларди.

1914 йил сентябрда Марндаги жангда иккала томондан 1,5 млн.дан ортиқ киши иштирок этди. Франция ва Англия қўшинлари ҳужумга ўтдилар. 9 сентябрда бутун фронт бўйлаб немисларнинг чекиниши бошланди. Улар ҳужумга ўтган душманни фақат Эна дарёси яқинида тўхтатишга муваффақ бўлдилар.

Германиянинг «яшин тезлигидаги уруш» режаси барбод бўлди. Германия икки фронтда уруш олиб боришга мажбур бўлиб қолди.

Урушнинг жаҳон урушига айланиши. Уруш биринчи ойларданок жаҳон урушига айланди: унга Европанинг йирик империалистик давлатлари киришди. Аста-секин урушга янги мамлакатлар қўшила бошлади. Август охирида Германияга қарши Япония уруш эълон қилди. Бироқ у Европага ўз

қўшинларини юбормади, балки қулай вазиятдан Германиянинг Тинч океанидаги мустамлакаларини босиб олиш ва Хитойни ўзига бўйсундириш учун фойдаланди.

Октябрда Германия Усмон империяси Антанта давлатларига қарши уруш эълон қилишига эришди. Кавказorti, Сурия ва Фаластинда янги фронтлар вужудга келди. 1915 йил майда Италия Австрия-Венгрияга уруш эълон қилди.

Верден жанги. 1915 йилда рус флотини яқсон қила олмаган Германия қўмондонлиги 1916 йилда яна ўз ҳаракатларини фаоллаштирди. Февраль охирида немислар Верден қалъасига ҳужум бошладилар. Улар бу ерда Францияга қақшатқич зарба беришни мўлжалладилар.

Декабрда немис қўшинлари Верден яқинида муҳофаага ўтдилар.

Верден жангида қарийб ярим миллион немис ва француз аскарлари ва офицерлари ҳалок бўлди.

Тўртлар иттифоқи мамлакатларининг мағлубияти. 1918 йил баҳорига келиб Англия-Франция қўшинлари рақиб қўшинларидан моддий-техника жихатидан катта устунликка эга эди. Уларда мавжуд юзлаб танклар немис қўшинларида йўқ эди. Бироқ аскарлар сони ва артиллерия кучига кўра Германия улардан қолишмас эди. Шу сабабли Германия қўмондонлиги Европага АҚШнинг йирик ҳарбий кучлари етиб келгунга қадар Англия-Франция қўшинларини тор-мор келтиришга аҳд қилди.

Биринчи жаҳон уруши якунлари. 1918 йилда Германия урушга ўз рақибларига қараганда яхшироқ тайёргарлик кўрган эди. Бироқ жаҳон уруши Тўртлар иттифоқининг мағлубияти билан якунланди. Бунга Антанта қўшинларининг инсон ва моддий ресурслар жихатидан устунлиги сабаб бўлди. Натижада уч қудратли империя жаҳон сиёсий харитасидан чиқариб ташланди.

ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ

I қисм.

1-мавзу. Дунё биринчи жаҳон урушидан кейин (1918-1929 йиллар)

1-савол. Версаль-Вашингтон тизими

Сулҳ битими шартлари. Компьен сулҳ битими шартларига кўра Германия ўзи босиб олган ғарбдаги барча ҳудудларни тарк этиши, унинг қўшинлари эса Рейн ортига олиб чиқиб кетилиши лозим эди. Шарқий Европадан у бу ерга Антанта қўшинлари етиб келишига қараб чиқиб кетиши

керак эди. Барча харбий асирлар ва харбий мол-мулк иттифоқчиларга топширилиши лозим эди.

Париж конференцияси. Мағлублар билан тинчлик шартномалари тузиш учун конференция чақиришга қарор қилинди. Франция бу конференция ўз пойтахтида ўтказилишини талаб қилди. 1919 йил 18 январда Париж конференцияси ўз ишини бошлади.

АҚШ яширин дипломатиядан воз кечиш, савдо ва денгизда сузиш эркинлигини таъминлаш, қуролсизланишни амалга ошириш, мамлакатларнинг ўз тақдирини ўзи хал қилиш ҳуқуқларини тан олишни талаб қилди. АҚШ Бельгияни тиклаш, Эльзас ва Лотарингияни Францияга қайтариш, тинчликни сақлаш бўйича халқаро ташкилот тузиш лозим деб ҳисобларди.

Буюк Британия Париж конференцияси бошлангунга қадар ўзининг урушда иштирок этиши бош мақсадларидан бирига эришди: Германия флоти яқсон қилинди. Британия доминионлари Германия мустамлакаларининг бир қисмини, Англия – Усмон империясининг бир қисмини ўз назорати остига олди. Бундан ташқари, Англия Эльзас ва Лотарингияни Францияга қайтаришни талаб қилди. Урушдан кейинги Европада чегараларни белгилашда инглизлар ўз тақдирини ўзи белгилаш принципларидан келиб чиқишни таклиф қилдилар. Дунёни урушдан кейинги даврда қайта қуришда уларнинг асосий талаби қуролсизланиш йўли билан тинчликни таъминлаш ва тинчликни сақлаш дастаги сифатида Миллатлар Лигасини ташкил этиш бўлди.

Франция Биринчи жаҳон урушидан бошқа буюк давлатларга қараганда кўпроқ жабр кўрди. Харбий ҳаракатлар унинг ҳудудида олиб борилди. Франция кредитордан қарздорга айланди. Ўз навбатида, Франциянинг бош қарздори – Россия ўзининг барча мажбуриятларини тугатди. Хонавайрон бўлган мамлакатда «Хаммасига немислар ҳақ тўлайди!» деган шиор кенг тарқалган эди. Бош вазир Жорж Клемансо бу шиорни рўёбга чиқаришнинг қатъий тарафдори бўлиб, Германияни кучсизлантиришга ҳар қандай воситалар билан эришишга тайёр эди. Россиядаги Февраль инқилоби арафасида чор ҳукумати билан Германияни парчалаш, Рейн дарёсининг чап қирғоғида мустақил немис давлатини ташкил этиш ҳақида келишувга эришилган эди. Франция Германияга мумкин бўлган барча репарацияларни юклашни талаб қиларди ва Усмон империяси меросининг бир қисмига даъвогар эди.

Версаль тинчлик шартномаси. Апрельда Германия билан шартнома матнини ишлаб чиқиш якунланди. Унинг делегацияси Парижга шартнома матнини топшириш учун чақирилди. Германия дипломатларининг шартномага ўзгартиришлар киритишга уринишлари рад этилди. 1919 йил 28 июнда Версаль саройида шартнома имзоланди. Бу шартнома Версаль шартномаси деган ном билан тарихга кирди ва урушдан кейинги вазиятни тартибга солувчи бош ҳужжатга айланди. Шартнома матнига АҚШ президенти Вильсон талабига биноан Миллатлар Лигасининг Устави

киритилди. Шартномага биноан Германия ўз худудининг саккиздан бир қисмини йўқотарди. Эльзас ва Лотарингия Францияга, уч округ – Бельгияга, Силезиянинг бир қисми – Чехословакияга, Пруссия ва Поморьенинг бир қисми, шунингдек Познань – Польшага, Шимолий Шлезвиг – Данияга ўтарди. Германия ўзининг барча мустамлакаларини йўқотарди. У фақат юз минг кишилиқ ёлланма қўшинга эга бўлишга ҳақли эди. Умумий ҳарбий мажбурият жорий этиш тақиқланарди. Германия сув ости кемалари, ҳарбий ва денгиз авиациясига эга бўлиши мумкин эмасди. У ўз гарнизонларини Рейн вилоятида жойлаштириш ҳуқуқига эга эмас эди. Бундан ташқари, Германия уруш оловини ёқишда айбдор деб топилди. Ҳолиб давлатларга тўланадиган репарация суммаси ҳақидаги масала бўйича конференция иштирокчилари келиша олмадилар. Бу масалани ҳал қилиш учун махсус конференция чақирилди ва у 1921 йилда репарацияларнинг умумий миқдорини 132 минг олтин марка миқдорида белгиланди. Уларнинг энг кўп миқдорини Франция (52%), Англия (22%) ва Италия (10%) олиши лозим эди.

Миллатлар лигаси. Париж конференцияси якуни ўлароқ Миллатлар Лигаси тузилди. Унинг Вильсон бошчилигидаги махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилган Уставида халқаро ҳуқуқнинг кўпгина янги қоидалари, шу жумладан уруш олиб боришдан воз кечиш мажбурияти мустаҳкамланган эди. Уставда агрессорларга қарши санкциялар белгилаш имконияти назарда тутилганди. Ҳар йили чақириладиган Ассамблея Лиганинг олий органи бўлиб, унинг мажлислари оралиғида Лига Кенгаши иш олиб борарди. Миллатлар Лигаси жаҳонда тинчликни сақловчи биринчи халқаро ташкилот бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин тузилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Миллатлар Лигасининг ворисидир.

Янги давлатларнинг ташкил топиши. Париж тинчлик конференцияси икки янги давлат – Польша ва Чехословакияни ташкил этишга руҳсат берди. Бу давлатлардан ташқари, Европада собиқ Россия империяси таркибидан чиққан тўрт давлат пайдо бўлди. 1917 йил 31 декабрда Совет Россияси Финляндиянинг мустақиллигини тан олди. 1919-1920 йилларда Эстония, Литва ва Латвия ҳам ўз мустақиллигига эришди. Австрия ва Венгрия янги давлатлар шакл-шамойилида намоён бўлди. Жанубий славян халқлари Сербия атрофида серблар, хорватлар ва словенлар қироллигига бирлашди.

Париж ва Вашингтон конференцияларининг қарорлари урушдан кейинги халқаро муносабатларнинг Версал-Вашингтон тизимига асос солди. Унинг яратилиши урушдан кейинги кескинликни юмшатиш имконини берди. Миллатлар Лигасининг ташкил топиши халқаро муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлди.

2-савол. Янги давлатларнинг ташкил топиши

Биринчи жаҳон уруши Европанинг сиёсий харитасида жиддий ўзгаришлар ясади. Унда янги давлатлар пайдо бўлди. Бу давлатлар Австрия-

Венгрия ва Россия империясининг парчаланиши, шунингдек урушдан кейинги худудий қайта қуриш натижасида ташкил топди.

Чехословакия. Австрия-Венгрия уруш охирида парчалана бошлади. Унгача чехлар ва словаклар Венгрия андозасидаги мухториятга эришишга ҳаракат қилдилар. Бироқ уруш йилларида чех ва словак ерларини Австрия-Венгриядан ажратиш ҳаракати кучая бошлади.

Янги республика чегаралари Париж тинчлик конференциясида белгиланди. Унинг таркибига Австриянинг чехларга қарашли ерлари, илгари Венгрия таркибига кирган Словакия ва Карпаторти Украинаси, шунингдек Германия таркибига кирган Силезиянинг бир қисми киритилди. Натижада мамлакат аҳолисининг учдан бир қисмига яқинини немислар, венгрлар ва украинлар ташкил этди. Чехословакияда йирик ислохотлар ўтказилди. Дворянлар барча имтиёзлардан маҳрум этилди. 8 соатли иш куни ва ижтимоий суғурта жорий этилди. Ер ислохоти немис ва венгр йирик ер эгалигини тугатди. 1920 йил конституциясида Чехословакияда шакллланган демократик тузум мустахкамланди.

Венгрия. 1918 йил 31 октябрда Австрия-Венгрия императори ва қироли Карл IV венгр графи М.Каройига демократик партиялардан ҳукуматни шакллантиришни топширди. Бу ҳукумат Антантага қараб мўлжал олар ва Венгрияни урушдан олдинги чегараларда сақлаб қолишга ҳаракат қиларди. 1918 йил 16 ноябрда Венгрия республика деб эълон қилинди. Бироқ Венгрияда демократия мустахкамлана олмади. 1919 йил 21 мартда коммунистлар ва социал демократлар бирлашиб, Венгрия Совет республикасини эълон қилдилар. Банклар, саноат, транспорт, йирик ер мулклари национализация қилинди. Коммунистлар етакчиси Бела Кун Россия билан «қуролли иттифоқ» тузишни таклиф қилди. Бу чорловни Москва маъқуллади. Икки қизил армия бир-бирига қараб юрди, бенда Венгрия қўшини Чехословакия қўшинларини четлатиб, Карпаторти Украинасига кирди. Бироқ уларнинг қўшилиши юз бермади. 24 июлда Чехословакия ва Руминия қўшинлари ҳужумга ўтди. 1 августда Совет ҳукумати истеъфо берди, тез орада Будапештга румин қўшинлари кирди. Венгрияда ҳукумат антикоммунистик гуруҳларга ўтди, улар Венгрияда монархияни тиклашни талаб қилдилар. Шу шароитда 1920 йил парламент сайлови ўтказилди.

Австрия. Австрияда 1918 йил 30 октябрда Муваққат миллий мажлис ва Давлат кенгаши, социал демократ Карл Реннер бошчилигидаги коалицион ҳукумат ҳокимиятни эгаллади. Муваққат миллий мажлис монархияни бекор қилди. Австрия имзолашга мажбур бўлган тинчлик шартномаси шартлари унинг учун жуда оғир эди. У шохлари «каллакланган» давлатга айланиб қолди. Австрия ва Венгрия ўртасида асрлар мобайнида шакллланган иқтисодий алоқалар узилди, у денгизга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлди. Улкан империя пойтахти бўлган, ўз гўзаллигига кўра Лондон, Париж ва Санкт-Петербург билан беллашадиган Вена кичкина давлат пойтахти бўлиб

қолди. Реванш ғояси миллатчилик ва фашистик кайфиятларнинг ўсишига имконият яратувчи манбага айланди.

Польша. XVIII асрда ўз мустақиллигини йўқотган ва бўлиб ташланган Польша юз йилдан кўпроқ вақт ўз давлатини тиклаш учун курашди. Биринчи жаҳон уруши бу мақсадга эришиш учун шарт-шароит яратди. Мустақил Польша давлатининг тикланиши Юзеф Пилсудский номи билан боғлиқ. У Россия ва Австрия-Венгрия ўртасида зиддиятларнинг кучайиб бораётганини кузатиб, бундан ўз мақсадига эришишдан фойдаланмоқчи бўлди. Пилсудский австрияликларга Россияга қарши курашиш учун инқилобий яширин ташкилот хизматларини таклиф қилди. Биринчи жаҳон уруши бошлангач, у поляк миллий қисмларини шакллантириш имкониятига эга бўлди. Улар 1914 йилдаёқ рус армиясига қарши жангга киришди. 1915 йилда рус кўшинларининг Польшадан чекиниши Пилсудскийнинг обрўси ошишига кўмаклашди. Россиядаги Февраль инқилоби ва янги ҳукумат поляклар ҳуқуқини тан олиши вазиятни ўзгартирди. Пилсудский хатто Россия томонига ўтиш ҳақида ўйлай бошлади ва австрияликлар ва немислар билан ҳамкорликни тўхтатди. Улар Пилсудский билан пачакилашиб ўтирмадилар ва қамоққа олдилар. Бироқ бу ҳол Пилсудскийнинг Польшада обрўси янада ошишига сабаб бўлди. Польша мустақиллигининг тикланиши муқаррар бўлиб қолди.

2-мавзу. Ўттизинчи йиллар

1-савол. Жаҳонда иқтисодий танглик

Танглик сабаблари ва хусусиятлари. қисқа вақт давом этган иқтисодий барқарорлик даври 1929 йилда танглик билан алмашди. Саноатлашган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида тангликлар ўрта хисобда ҳар ўн йилда юз берарди. Бироқ 1929 йилда бошланган танглик кўп жихатдан ўзига хос эди. Саноат ишлаб чиқариши нафақат қисқармади, у аср бошидаги даражага тушиб кетди. Бу ишсизликнинг кескин ўсишига сабаб бўлди: ишсизлар сони 30 миллион кишига яқинлашди, бу барча ишчи кучларининг тахминан бешдан бир қисмини ташкил этди. Танглик 1929 йилда бошланиб, 1932 йилгача давом этди. Бироқ иқтисодиёт Иккинчи жаҳон урушига қадар ҳам ўзининг аввалги ривожланиш даражасига етмади. Бирон-бир танглик бу даражада катта ва кенг миқёсда иқтисодий оқибатларга сабаб бўлмаган эди. 30-йиллар танглиги тарихдан Буюк депрессия деган ном билан ўрин олгани бежиз эмас.

Тангликнинг ижтимоий оқибатлари. Ишсизлик. Бундай танглик оғир ижтимоий оқибатларга сабаб бўлмаслиги мумкин эмасди. Ишсизлик оммавий ва узоқ муддатли тус олди. Ишсизлик бўйича нафақалар фақат айрим мамлакатларда тўланарди. Ишсиз қолган одамларнинг аксарияти тез орада тирикчилик манбаидан маҳрум бўлиб қолди. Хайрия ташкилотлари барча мухтожларни таъминлашга қодир эмасди.

Танглик ва халқаро муносабатлар. Танглик халқаро муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. ғарб мамлакатлари тангликдан чиқиш йўллари бирга излаш ўрнига унинг оғирликларини бир-бирига юклашни маъқул кўрдилар. Бу буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирди ва уларнинг жаҳонда ўрнатилган тартибни сақлаш қобилиятини сусайтирди. Бундан ҳаммадан бурун Япония фойдаланди. У Вашингтон конференциясида Хитой хусусида эришилган аҳдни бузиб, 1931 йилда Манчжурия (Шимоли-Шарқий Хитой)ни босиб олди ва уни Хитой ва СССРга қарши агрессияни тайёрлаш учун базага айлантирди. Миллатлар Лигасининг Японияни тартибга чақиришга уринишлари унинг мазкур халқаро ташкилотдан чиқишига сабаб бўлди. 1933 йилда Германияда ҳокимиятга фашистлар ўзининг Версаль шартномасини тафтиш қилиш ва чегараларни қайта кўриш ҳақидаги дастури билан келди. Италиян фашистлари Африка ва Ўрта ер денгизи мамлакатларида экспансия режасини илгари сурди. Иқтисодий танглик пировардида янги жаҳон уруши ўчоқларининг пайдо бўлишига олиб келди.

2-савол. Германияда фашизм

Фашизм – асосан Европада шаклланган XX асрнинг сиёсий ҳаракати, давлат бошқарувининг ўзига хос шакли. У жаҳон халқлари бошига сон-саноксиз мусибатлар келтирди. Айнан фашистик давлатлар – Германия ва Италия Иккинчи жаҳон урушининг бош сабабчилари бўлди.

Фашизмнинг ўзига хос хусусиятлари. Фашизм сўзи италянчадан келиб чиққан. Фашистларнинг биринчи чиқишлари 1919 йилда юз берди. Уларнинг Бенито Муссолини томонидан тузилган ташкилотлари «Фашо ди Комбатименто», яъни «Кураш иттифоқи» деб аталарди. Бу ташкилот аъзолари фашистлар, ҳаракатнинг ўзи эса фашизм деб атала бошланди. Фашизмнинг ўзига хос хусусиятлари бу миллатчилик ва ирқчиликдир. Фашистлар миллат манфаатларини шахсий, группавий ва синфий манфаатлардан устун қўяди.

Германияда фашизмнинг вужудга келиши. Адольф Гитлер. Германияда фашистик ҳаракат Биринчи жаҳон урушидан кейин юзага келди. 1919 йилда Германия национал-социалистик ишчилар партияси ташкил этилди. Тез орада Адольф Гитлер бу партиянинг лидерига айланди. 1923 йилда у ўз ҳамфикрлари билан бирга Мюнхенда ҳокимиятни қўлга киритишга уриниб кўрди (бу уриниш ўшанда «пиво исёни» деб номланди, чунки у ҳақда қарор пивоҳонада қабул қилинган эди). Бунинг учун суд Гитлерни беш йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилди. Гитлер қамоқда ўтириб «Майн кампф» («Менинг курашим») китобининг катта қисмини ёзди, бу китобда у ўзининг сиёсий ва ирқий ғояларини баён этди. Орадан бир йил ўтгач у озод қилинди ва қизғин сиёсий фаолиятга қайтди. 1929-1933 йиллардаги иқтисодий танглик даврида фашистларнинг нуфузи тез ортиб борди.

Фашистларнинг ҳокимиятга келиши. Танглик нихоясига етиб борарди. Нацизм тарафдорлари ҳокимиятга келиш имкониятларидан умидларини уза бошладилар. Шу даврда харбий-бюрократик элита ўзининг президент Гинденбургга таъсиридан фойдаланиб, уни ҳукуматни шакллантириш ваколатини Адольф Гитлерга топширишга мажбур қилди. 1933 йил 20 январда Гитлер ҳукумат бошлиғи – рейхсканцлер этиб тайинланди.

Урушга тайёргарлик. Германияда фашистларнинг ҳокимиятга келиши Европадаги вазиятни ўзгартириб юборди. Версал-Вашингтон тизими хавф остида қолди. Нацистлар ҳокимиятга келгунга қадар Германия репарацияларни тўламас ва Миллатлар Лигаси аъзоси эди. Германия дипломатлари мамлакатнинг урушдан кейинги мақоми адолатга зид эканлигига ҳаммани ишонтирди. Гитлер жаҳондаги ҳукмронлик ўрнатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У Версаль шартномаси шартларини бузиб, урушга очикдан-очик тайёргарлик кўра бошлади.

1939 йилга келиб Германияда умумий харбий мажбурият тикланган, харбий авиация ва танк қўшинлари ташкил этилган эди. Гитлер Австрияни Германияга қўшиб олди ва Чехословакияни қисмларга ажратди. Германия Европадаги энг қудратли давлатга айланди. қўшиб олинган ҳудудлар билан бирга у жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг 15% ни берар, бу борада Англия ва Франциядан ўзиб кетган эди. 1939 йил бошларида Германия Европада энг кучли бўлган жами 2,75 млн. кишилик, 10 минг тўп, 3,2 минг танк ва 4 мингдан ортиқ самолётдан иборат қўшинга эга эди. Фашистлар Германияси катта урушни бошлашга тайёр эди. Ва у бошланди.

3-савол. АҚШ: «Янги йўл» сиёсати

1933-1941 йилларда президент Франклин Д.Рузвельт олиб борган сиёсат Америка жамиятини тангликдан олиб чиқиш, унда чуқур ислохотларни амалга ошириш сиёсатига айланди. У «янги йўл» деган ном билан тарихдан ўрин олди.

Президент Гувер сиёсати. Танглик республикачи Герберт К.Гувернинг президентлик даврида юз берди. У 1928 йилда сайланди ва 1929 йил 4 мартда – танглик бошланишидан ярим йил олдин лавозимга кирди ва Оқ уйни танглик ўзининг қуйи нуқтасидан ўтганидан кейин тарк этди. Гувер индивидуализмнинг ашаддий тарафдорларидан бири эди. У ахвол ўта оғир тус олганидан кейингина хусусий корпорацияларга давлат қарзлари беришга рози бўлди.

Танглик оқибатлари ва президент сиёсати республикачилар обрўсининг пасайишига олиб келди. Унинг муҳолифи – демократик партияда ҳокимиятга келиш имконияти пайдо бўлди. 1930 йилда демократлар конгресснинг вакиллар палатасида кўпчилик ўринларни эгаллаб, бу йўлда дастлабки қадамни ташладилар. 1932 йилда демократ Франклин Д.Рузвельт президент сайловида ғолиб чиқди.

Рузвельт маъмуриятининг «дастлабки юз куни» банк тизимини кутқариш чоралари билан бошланди. Рузвельт ваъда қилган мухтожларга ёрдам дастури амалга оширилди; «янги йўл»нинг биринчи йили мобайнида 28 млн. америкалик давлатдан ёрдам олди. Миллионлаб ишсизларга хар хил жамоат ишларида қатнашиш имконияти яратилди. қишлоқ хўжалигини тартибга солиш тўғрисидаги қонунга биноан фермерларга ишлаб чиқаришни қисқартирганлик учун мукофотлар тўлана бошланди. Саноатни жонлантиришга уриниб, ҳукумат тадбиркорларга тармоқлар бўйича бирлашмалар тузиб, рақобат шартлари ҳақида келишишга рухсат берди. Хусусий корпорациялар қимматли қоғозлар чиқариши устидан давлат назорати ўрнатилди. Натижада 1933 йил баҳорида иқтисодиётда жонланиш бошланди. Рузвельтнинг обрўси ошди. Кўпчилик учун у миллат нажоткорига айланди.

АҚШнинг ташқи сиёсати. АҚШ ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларини тушуниш нуқтаи назаридан Рузвельт Вудро Вильсон тарафдори эди. У Америка жаҳон сиёсатида фаол рол ўйнаши керак, деб ҳисобларди. Бироқ у мамлакатда кўпчилик нотинч дунё муаммоларидан четлашишни хоҳлашини ҳам яхши тушунарди. Ислохотчиларнинг аксарият тарафдорлари ҳам «изоляциянистлар» эди. 1935 йилда қабул қилинган бетарафлик тўғрисидаги қонун изоляционистик йўл танланганининг ўзига хос исботи бўлди. Бироқ Япониянинг Хитойдаги агрессияси кенгайиши, Германия ва Италиянинг агрессивлик даражаси кучайишига қараб Рузвельтнинг сиёсати ўзгариб борди. Бироқ Иккинчи жаҳон урушининг бошланишигина маъмуриятни бетарафлик тўғрисидаги қонунни қайта кўришга мажбур қилди. АҚШ Англия ва Францияга ёрдам бера бошлади. Аммо америкаликлар урушга аралашини хоҳламас эди. 1940 йилги сайловолди кампаниясида Рузвельт америкалик аскарларни Европага урушга юбормаслик ҳақида ваъда беришга мажбур бўлди. Сайловда ғалаба қозонганидан кейингина у АҚШни «демократия арсенали»га айлантириш лозимлигини эълон қилди. Унинг ташаббуси билан 1941 йил 11 мартда ленд-лиз тўғрисида қонун қабул қилинди. Бу қонунга биноан президент ҳимоя қилиш АҚШ манфаатлари учун муҳим бўлган мамлакатларга қурол-аслаҳаларни ижарага бериш ҳуқуқига эга бўлди.

4-савол. Иккинчи жаҳон уруши сари йўл

Япониянинг Манчжурияни босиб олиши. 1931 йилда Япония Манчжурия (Шимоли-Шарқий Хитой)ни босиб олди. Япониянинг Хитойни ўзига бўйсундиришга уриниши Вашингтон конференцияси қарорларига зид эди. Миллатлар Лигаси япон қўшинларини Манчжуриядан олиб чиқиб кетиш ва уни халқаро назорат остига ўтказишни тавсия қилди. Бироқ бунга жавобан 1933 йил февралда Япония Миллатлар Лигасидан чиқди. Лекин унга қарши санкциялар қўлланилмади.

Италиянинг Эфиопияни босиб олиши. Агрессорнинг жазосизлиги прецеденти пайдо бўлди. 1935 йилда бундан Италия фойдаланди. 3 октябрда итальян кўшинлари Сомали худудидан Эфиопияга бостириб кирди. Миллатлар Лигаси Италияни агрессор деб эълон қилди. Бироқ Италияга кўйилиши лозим бўлган санкциялар тўла эълон қилинмади. АҚШ ва Англия бетарафлик эълон қилди ва иккала мамлакатга қуроли етказиб беришни тақиқлади. Шу тариқа улар агрессор ва ундан жабр кўрган мамлакатни тенглаштирди. 1936 йил баҳорда мустақил давлат ва Миллатлар Лигаси аъзоси Эфиопияни босиб олиш якунланди.

Гитлернинг сиёсати ва агрессорларнинг яқинлашиши. Гитлер хокимиятга келгач, Германия халқаро тинчликни бузувчилар қаторига кўшилди. 1933 йилда Германия Миллатлар Лигасидан чиқди. Манфаатлар муштараклигини англаган Германия, Италия ва Япония бир-бири билан тез яқинлаша бошлади. VII конгресс қарорига жавобан Германия ва Япония 1936 йилда Коминтерга қарши битимни имзолади, 1937 йилда унга Италия кўшилди. Бироқ бу хали харбий иттифок эмасди.

Орадан кўп ўтмай Гитлер Чехословакиядан асосан немислар яшайдиган Судет вилоятини Германияга топширишни талаб қилди. Бироқ Чехословакия бу талабни рад этди. Гитлер ўзининг бу мақсадига буюк давлатларни янги уруш бошлаш билан кўрқитиб эришмоқчи бўлди. Мюнхенда Англия, Германия, Италия ва Франция иштирокида ўтган конференцияда Гитлернинг талабини қондиришга қарор қилинди. 1938 йил 1 октябрда Германия Судетни босиб олди. Конференцияга хатто таклиф ҳам қилинмаган Чехословакия ўз худудининг бешдан бир қисмини йўқотди, унинг чегараси энди Прагадан 40 километр узоқдан ўтарди.

Англия, Франция ва СССР ўртасидаги музокаралар. 1939 йил мартда Англия СССРга Франция ва Польша билан бирга ўзаро ҳамкорлик тўғрисида умумий декларацияни имзолашни таклиф қилди. Апрельда Англия хат алмашиш ҳақидаги янги ғояни таклиф қилди. Бу хатда Германия билан урушга киришган мамлакатга ёрдам қафолатланар эди. Бунга жавобан СССР аниқ ўзаро мажбуриятлар ифодаланган уч томонлама битим тузишни таклиф қилди. СССР Германия агрессиясини қайтариш учун Польша ва Руминия худудига ўз кўшинларини киритиш ҳуқуқи беришни талаб қилди. Амалда бу СССР Германияга қарши урушда ўз иштирокининг шарти қилиб Шарқий Европа устидан ўз назоратини ўрнатишни кўйишини аңлатарди. Польша ва Руминия буни қатъиян рад этди. Шу сабабли 12 августда Москвада бошланган уч томонлама Англия, Франция ва СССР ўртасидаги харбий музокаралар тўхтаб қолди.

Риббентроп-Молотов битими. 21 августда Сталин Гитлердан телеграмма олди. Унда Гитлер СССР билан хужум қилмаслик ҳақида битим тузишга тайёрлигини маълум қилган ва тегишли хужжатларни имзолаш учун Германия ташқи ишлар вазири И.Риббентропни 23 августдан кечиктирмай қабул қилишни сўраган эди. Сталин Гитлер билан келишиш орқали СССР Шарқий Европа устидан назорат ўрнатиши мумкинлигини аңлади. Шу кун

у Англия ва Франция билан харбий музокараларни номуайян муддатга тўхтатиш хақида кўрсатма берди. Сўнгра у Гитлерга СССР ва Германия муносабатларида жиддий бурилиш ясашишига умид ва Риббентропни 23 августда қабул қилишга розилик билдирилган жавоб телеграммаси юборди.

қисқа музокаралардан сўнг Риббентроп ва Молотов 1939 йил 23 августда Кремлда хужум қилмаслик тўғрисида шартнома ва унга махфий баённомани имзоладилар. Баённомада тарафлар Шарқий Европадаги «манфаатлар сохалари»ни чегаралаб олишга келишдилар. Германия илгари Россия империяси таркибига кирган худудлар: Финляндия, Латвия, Эстония ва Бесарабияни СССР манфаатлари соҳаси деб тан олди. СССР Литвани Германия манфаатлари соҳаси деб эътироф этди. Баённомада Польшани бўлиб олиш имконияти ҳам назарда тутилди, бунда Германия ва СССР ўртасидаги чегара Нарев, Висла ва Сан дарёлари бўйлаб ўтиши лозим эди.

Шартнома имзоланганидан сўнг орадан 8 кун ўтгач, 1939 йил 1 сентябрь эрта тонгда немис қўшинлари Польшага бостириб кирди. Англия ва Франция Польшага берган кафолатларига кўра Германияга уруш эълон қилди. Иккинчи жаҳон уруши бошланди.

3-мавзу. Иккинчи жаҳон уруши

1-савол. Урушнинг дастлабки даври

Иккинчи жаҳон уруши – инсоният тарихидаги энг йирик конфликт. Урушда жаҳоннинг 61 давлати иштирок этди. Бу давлатлар худудида ер куրраси аҳолисининг 80% истиқомат қиларди. Харбий ҳаракатлар барча океанларда, Евросиё, Африка ва Океанияда олиб борилди. Урушаётган мамлакатларнинг армияларига 110 миллион киши чақирилди. Агар Биринчи жаҳон уруши тўрт йилдан сал кўпроқ вақт давом этган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши олти йилга чўзилди. У инсоният тарихидаги энг шикастли уруш бўлиб қолди. Урушда ҳалок бўлганлар сони 65-67 миллион кишини ташкил этди. Ҳалок бўлганларнинг қарийб ярми ноҳарбий аҳоли эди. Уруш давомида кўп миқдорда моддий бойликлар йўқ қилинди, кўп сонли маданият обидалари вайрон бўлди.

Иккинчи жаҳон урушини хронологик жихатдан уч катта даврга ажратиш мумкин. *Биринчи давр* – 1939 йил 1 сентябрдан 1942 йил июнгача. Унга уруш миқёсининг кенгайиб бориши, агрессор кучлари устунлигининг сақланиши ҳос. *Иккинчи давр* – 1942 йил июндан 1944 йил январгача. Бу урушда бурилиш ясалган, ташаббус ва кучларда устунлик Гитлерга қарши иттифоқ мамлакатлари томонга ўтган давр. *Учинчи давр* – 1944 йил январдан 1945 йил 2 сентябргача – урушнинг якуний босқичи.

Иккинчи жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябрда Германиянинг Польшага хужуми билан бошланди. Германия қўшинининг харбий режалари Англия ва Франциянинг урушга кириш эҳтимолини назарда тутарди. Шу сабабли Польшани «яшин тезлигидаги уруш» давомида босиб олиш назарда тутилди. 16 сентябрдаёқ Польша пойтахти – Варшава қуршовга олинди. Бу пайтга

келиб Польша армиясининг парчаланган гурухларигина қаршилик кўрсатарди; қамалда қолган Варшава 28 сентябргача жанг қилди.

Германия қўмондонлиги рақибнинг ҳаракатсизлигидан фойдаланиб Дания ва Норвегияни босиб олишга қарор қилди. Бу мамлакатлар Германияга Шимолий Атлантикада денгиз операцияларини амалга ошириш учун ишончли база бўлиб хизмат қиларди. Гитлер бу мамлакатларнинг бетарафлиги билан ҳисоблашишни хатто ҳаёлига ҳам келтирмади. 1940 йил 9 апрелда немис қўшинлари Копенгагенга ва Норвегиянинг бир неча портларига кирди. Дания ҳукумати шу куниёқ ўзининг таслим бўлганини эълон қилди, Норвегия ҳукумати эса армия ва халқни қаршилик кўрсатишга чақирди ва ёрдам сўраб Англияга мурожаат этди. Бироқ ташаббус ва кучлар устунлиги Германия томонида эди. Мамлакатнинг катта қисми босиб олинган, ҳокимият маҳаллий фашист Видкун Квислингга топширилган эди. қирол ва ҳукумат Норвегия қўшинининг қолдиқлари билан Англияга чиқиб кетди.

Норвегия тор-мор қилинган пай тга келиб Германия қўшинлари Англия ва Францияга ҳужум қилишга қизғин тайёргарлик кўрарди. Ҳужум 1940 йил 10 майда бошланди. 20 майдаёқ вермахт қўшинлари Калега чикди ва Дюнкерк яқинида иттифоқчиларнинг 340 минг кишилиқ қўшинини қуршовга олди. Англия қўмондонлиги уни эвакуация қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Техника душманга ташлаб кетилди. Шундан сўнг немис қўшинлари Франция пойтахтига қараб юрди ва 14 июнда шаҳарга кирди.

1940 йил 22 сентябрда Германия, Италия ва Япония Учлар битимини тузди. 1940-1941 йилларда шартномага фашистлар Германиясининг иттифоқчилари – Руминия, Венгрия, Болгария, Словакия ва Хорватия кўшилди.

1941 йил 22 июнда немис қўшинлари СССРга уруш эълон қилмай бостириб кирди. Куздаёқ вермахт Москва ва Ленинград остонасида турарди. Бироқ Англияни бирёқлик қилмай туриб СССРга қарши уруш бошлаш Гитлернинг катта хатоси бўлди. Москва остонасида қизил Армиянинг декабрь ойидаги қарши ҳужуми Гитлернинг кампанияни тез тугаллашга бўлган барча умидларини пучга чиқарди.

2-савол. Урушдаги бурилиш

Тинч океанида Мидуэй атолли яқинида бўлган жанг урушда бошланган бурилишнинг биринчи қадамлари бўлди. Япон эскадраси Мидуэйга сездирмасдан келиб, уни босиб олмоқчи бўлди. Бироқ японларнинг нияти ўз вақтида фош қилинди. Оролга америкаликларнинг қўшимча кучлари етиб келди. Авиабардорларда жойлашган самолётлар муҳим рол ўйнаган бу жангда япон эскадраси тор-мор келтирилди. Япониянинг 4 энг яхши авиабардори чўктириб юборилди. Бу жангдан сўнг Япония Тинч океанида ҳужумкор ҳаракатлардан воз кечди.

1942 йил октябрда Англия қўшинлари Шимолий Африкада қарши хужумга ўтди. Ал-Аламайн яқинидаги жангда Италия ва Германия қўшинлари яксон қилинди. Улар ғарбга чекина бошлади. Ноябрьда Шимолий Африканинг қарама-қарши томонидан, Марокашга Эйзенхауэр қўмондонлигидаги Америка қўшинлари келиб тушди. Тунисда икки томондан денгизга сиқиб қўйилган Италия-Германия қўшинлари 1943 йил 13 майда таслим бўлди.

1943 йил ёзда СССР-Германия frontiда ҳам туб бурулиш ясалди. Сталинград ва Курск остонасидаги жанглар ташаббус қизил Армия қўлига узил-кесил ўтганини англатар эди. Мамлакат худудини босқинчилардан озод қилиш бошланди.

3-савол. Урушнинг якунловчи босқичи

Иттифоқчилар 1944 йил июль ойининг охирларида Шимолий Францияда умумий хужумни бошладилар. Августда Америка ва Франция қўшинлари Франция жанубига тушдилар. Иттифоқчилар хужуми мамлакатда антифашистик қўзғолоннинг бошланиши билан бир вақтда юз берди. қўзғолон 18 августда Парижда бошланди ва тўрт кундан сўнг бутун шаҳар қўзғолончилар қўлига ўтди. Шаҳарга иттифоқчилар яқинлашгач, қуршовга олинган Париж гарнизони таслим бўлди. 1944 йил охирига келиб Франция ҳамда Бельгиянинг катта қисми озод қилинди. Иттифоқчиларнинг қўшинлари Германия чегарасида турарди.

1945 йил 4-11 февралда Ялтада «катта учлик»нинг қрим конференцияси ўтказилди. Бу учрашувда асосан Германиянинг келажаги муҳокама қилинди. Германия узил-кесил таслим бўлишига эришиш ва уни оккупация қилишга келишилди. Германиядан репарациялар ундириш лозим деб топилди. СССР Германия тор-мор келтирилганидан сўнг орадан 2-3 ой ўтгач, Япония билан урушга киришиш ниятини тасдиқлади. Бўлғуси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иш тартиби ҳақида келишиб олинди.

7 майда немис қўшинлари ғарбда таслим бўлди, 8 майдан 9 майга ўтар кечаси фельдмаршал Кейтель Германия ҳукумати номидан Берлинда Германиянинг узил-кесил таслим бўлиши ҳақидаги хужжатга имзо чекди. Иттифоқчилар томондан бу хужжатни Совет қўмондонлиги вакили маршал Г.К.Жуков, Буюк Британиядан – маршал А.Теддер, АҚШдан – маршал К.Спаатс, Франциядан – генерал Ж.Делатр де Тасиньи имзолади. Шу кун совет қўшинлари қўзғолон кўтарган Прага шаҳрини озод қилди. Шу кундан эътиборан немис қўшинларини асир олиш бошланди. Европада уруш тугади. Германиянинг таслим бўлиши нафақат Европада уруш тугагани, балки иттифоқчиларнинг бош рақиби мағлубиятга учраганини ҳам англатар эди.

Япония билан уруш ҳам нихоясига етиб бормокда эди. Апрельда АҚШ қўшинлари Япониядан 500 км нарида жойлашган Окинава оролига келиб тушди. Ёҳда японлар Филиппин, Индонезия ва Индохитойнинг бир қисмидан сиқиб чиқарилди. Бироқ харбий ҳаракатлар 1946 йил охиригача чўзилиши ва

бу америкаликларга 1 миллионга яқин қурбон келтириши тахмин қилинди. Айни шу сабабли АҚШ Японияда ядро қуролини қўллашга қарор қилди.

ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ

II қисм

1-мавзу. «Совуқ уруш»

«Совуқ уруш» бошланишининг сабаблари. 1945 йил 17 июль – 2 август кунлари Берлин конференцияси бўлиб ўтди. Унда АҚШ номидан апрель ойида вафот этган Франклин Рузвельт ўрнига Гарри Трумэн, Буюк Британия номидан – Уинстон Черчилль иштирок этди. Бироқ конференция жараёнида қўйилмаган воқеа юз берди. Урушдан кейинги биринчи парламент сайловида Черчилль бошчилигидаги консерваторлар мағлубиятга учрадилар. Биринчи марта энг кўп ўринларни лейбористлар қўлга киритдилар. Уларнинг лидери Клемент Эттли ҳукумат бошлиғи этиб тайинланди ва конференцияга ўтаётган Постдамга ташриф буюрди.

Конференцияда Германиянинг давлат чегаралари узил-кесил белгиланди. Шарқий Пруссия Польша ва СССР фойдасига ажратилди, Польша билан чегара ғарбга, Одер-Нейсе дарёлари чизиғига кўчирилди. Германия 1938 йилдан бошлаб босиб олган ҳудудлар қайтарилиши лозим эди. Конференция бу ҳудудлардан немисларни – жами 9 млн. кишини кўчиришга рухсат берди. Германия тўлайдиган репарацияларнинг умумий миқдори 20 миллиард доллар қилиб белгиланди. Шунинг 50% ни СССР олиши керак эди. Германияда молиявий қийинчиликлар туғдирмаслик учун репарацияларни саноат ускуналарини олиб чиқиб кетиш ҳисобига ундиришга қарор қилинди.

1947 йил 5 июнда АҚШ давлат котиби Жорж Маршалл Европа демократияларини мустахкамлаш учун уларга шошилинч молиявий ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш лозимлигини маълум қилди. СССР бу режани Европани иқтисодий қарам қилишга уриниш сифатида баҳолади ва Шарқий Европа мамлакатларига улар бу режани амалга оширишда иштирок этишдан бош тортди учун таъсир кўрсатди. 1948 йил апрелда 16 ғарб мамлакати Маршалл режасини имзолади. Режага биноан улар 4 йил мобайнида 17 миллиард доллар ёрдам олиши лозим эди. Бунда америкаликлар ёрдам

кўрсатишнинг дастлабки шарти сифатида ҳукуматлар таркибидан коммунистларни чиқаришни талаб қилдилар. 1948 йилга келиб ғарбий Европанинг бирон-бир ҳукуматида биронта ҳам коммунист қолмади. Собик иттифоқчилар ўртасидаги зиддиятлар Европанинг парчаланишига сабаб бўлди.

Берлиннинг қамал қилиниши ғарб мамлакатлари ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш зарурлигини намоиш этди. 1949 йил 4 апрелда Европанинг 10 мамлакати (Бельгия, Буюк Британия, Дания, Исландия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Франция), АҚШ ва Канада Шимолий Атлантика шартномасига имзо чекди. Унда томонлар БМТ Устави доирасида ҳаракат қилиб, рақибдан биргаликда муҳофафзанишга аҳд қилдилар ва бу мақсадни амалга ошириш учун Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО)ни ташкил этдилар. Ушбу шартномага биноан Дуайт Эйзенхауэр қўмондонлигида бирлаштирилган қуролли кучлар ташкил этилди.

Ўз навбатида Шарқий Европа мамлакатлари ҳам ўз иттифоқини мустаҳкамлашда давом этдилар. 1949 йил 25 январда Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия Европанинг парчаланиши муносабати билан иқтисодий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун Иқтисодий ёрдам кенгаши тузишини эълон қилди. Февралда Кенгашга Албания, кейинроқ - ГДР қўшилди. 1955 йилда бу мамлакатлар ўз ҳарбий-сиёсий иттифоқи – Варшава Шартномаси Ташкилотини тузди.

1949 йил Германия парчаланган йил бўлди. Пул ислохоти амалга оширилгач, ғарбий зоналарда шу уч зона негизида ташкил топиши лозим бўлган давлатнинг конституцияси устида иш бошланди. 1949 йил майда Германия Федератив Республикаси (ГФР) ташкил топди. Октябрда оккупациянинг шарқий зонасида Германия Демократик Республикаси (ГДР) ташкил топди.

ГДР билан бир вақтда Хитой Халқ Республикаси (ХХР) эълон қилинди – Гоминьдан ҳукумати билан урушда коммунистлар ғалаба қозонди. Жаҳоннинг энг кўп аҳоли яшайдиган мамлакати коммунистлар ҳукми остига ўтиши АҚШни саросимага солиб қўйди.

1950 йилда АҚШ Корея яриморлидаги можарога аралашиб, ўз қуролли кучларидан биринчи марта фойдаланишга мажбур бўлди. Урушдан кейин Кореяни шимолдан СССР, жанубдан – АҚШ босиб олди. Германиядаги каби, иккита ҳукумат ташкил этилди. Совет-Америка муносабатларида кескинлик кучайишига қараб, бу ҳукуматлар ўртасидаги рақобат кучайиб борди. 1949 йилга келиб бу мамлакатларнинг қўшинлари Кореядан олиб чиқиб кетилди, унинг иккала қисмида ҳам сайлов ўтказилди. 1950 йил 25 июнда Шимолий Корея қўшинлари 38 параллелдан ўтувчи демаркация чизиғидан ўтиб, шитоб билан жанубга ҳаракатлана бошлади. АҚШ Шимолий Корея ҳаракатлари агрессия деб топилиши ва БМТ Жанубий Кореяга ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилишига эришди. БМТ байроғи остида Корея яриморлига бир неча давлатларнинг қўшинлари ташланди, бироқ уларнинг

аксариятини америкаликлар ташкил этарди. Корея уруши бошланди ва у тарафларнинг навбатма-навбат муваффақияти билан 1953 йилгача давом этди.

Шу тариқа СССР ва АҚШнинг дунё миқёсидаги рақобати юзага келди. У қарийб 45 йил – 1947 йилдан 1991 йил декабргача, СССР парчалангунга қадар давом этди. Бу давр мобайнида СССР ва АҚШ ўртасидаги рақобат урушга айланмади. Шу сабабли бу давр «совуқ уруш» деб номланди: иккала томон «қайноқ уруш»га тайёргарлик кўрди, бир-бирига душман деб қаради, жаҳоннинг барча минтақаларида ва қуролнинг барча турларида рақобат қилди, уларни жуда кўп миқдорда жамлади, бироқ бирор марта ҳам бу қуролларни бир-бирига қарши қўлламади.

«Совуқ уруш» бутун Ер қуррасини қамраб олди. У жаҳонни икки қисмга, икки харбий сиёсий ва иқтисодий гуруҳга, икки ижтимоий-сиёсий тизимга ажратди. Дунё икки қутбли, «биполяр» кўриниш касб этди. Дунё миқёсидаги бу рақобатнинг ўзига хос мантиқи юзага келди: ким биз билан бирга бўлмаса, у бизга қарши. Дунёдаги барча воқеаларга шу рақобат нуқтаи назаридан қарала бошланди.

2-мавзу. ғарб, 1945-1996 йиллар

ғарб ва Шарқ. Дунё қадимдан ғарб ва Шарққа бўлинади. Европаликлар учун Шарқ аввал сирли нохристианлар дунёсининг умумий таърифи саналган, сўнгра бу сўз билан мустамлакачилик фаолиятининг улкан ҳудудлари белгилана бошланди. «Совуқ уруш» йиллари ғарб деганда аввал АҚШ ва унинг иттифоқчилари, Шарқ деганда – СССР ва унинг иттифоқчилари тушуниларди. Кейинчалик бозор иқтисодиёти ривожланган демократик мамлакатлар ғарб, режали иқтисодиёт амал қилувчи тоталитар тузумлар эса – Шарқ деб атала бошланди.

1-савол. Америка қўшма Штатлари

АҚШнинг урушдан кейинги ахволи. Урушдан кейин АҚШнинг саноат соҳасидаги салоҳияти икки барабар ошди, 30-йилларнинг барча шикастли оқибатлари тугатилди. Мамлакатда кучли харбий салоҳият яратилди. 1945 йилда АҚШ қуролли кучларида 12 миллион киши бор эди. АҚШ океан флоти, авиация, қуруқликдаги қўшин ва ядро қуролига эга эди. Шу тариқа АҚШ жаҳоннинг энг қудратли давлатига айланди.

Трумэн АҚШнинг урушдан кейинги сиёсий стратегиясини ишлаб чиқди. Ички сиёсат соҳасида у «янги йўл» ислохотларини давом эттиришни таклиф қилди. Трумэн маъмурияти харбий саноат конверсиясини амалга оширди, яъни уни нохарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказди. Трумэн армиядан демобилизация қилинганларга таълим олиш, турар жой қурилиши ва ўз бизнесини очишга кредитлар олишда имтиёзлар берди. 1946 йилда қабул қилинган бандлик тўғрисидаги қонунга биноан аҳолини иш билан таъминлаш масалалари тартибга солинди. 1948 йилда Трумэн иш ҳақининг

энг кам миқдори оширилишига, ижтимоий таъминот тизими кенгайтирилишига ва арзон турар жойлар қуриш дастури қабул қилинишига эришди. АҚШда «фаровонлик давлати»ни барпо этиш давом эттирилди. Ташқи сиёсатда СССРни тийиб туриш йўли танланди.

Республикачилар галабаси. Дуайт Эйзенхауэр. Кореядаги уруш эхтиросларни сўндирди. Кайфиятларнинг ўзгариши 1952 йилги президент сайловига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. 1951 йилда кучга кирган конституцияга 22-тузатиш президентни фақат бир марта қайта сайлашга рухсат берарди. Бироқ бу қоида Трумэнга нисбатан татбиқ этилмасди. Аммо Корея уруши туфайли обрўси пасайган Трумэн сайловга ўз номзодини қўймади. Республикачилар АҚШда жуда машхур бўлган одам – харбий қахрамон, иттифоқчилар бирлашган қўшинларининг бош қўмондони Дуайт Эйзенхауэр номзодини қўйдилар. У сайловда ғолиб чиқди. Йигирма йиллик танаффусдан сўнг республикачи Оқ уйни эгаллади. Эйзенхауэр солиқларни камайтирди, олдинги маъмуриятнинг иқтисодиётни тартибга солиш борасидаги айрим чораларини бекор қилди.

Кеннеди сиёсати. Президент Кеннеди маъмурияти иқтисодий ўсишни рағбатлантириш чораларини кўрди. Космосни ўрганиш соҳасида АҚШни биринчи ўринга чиқариш учун Кеннеди «Аполлон» дастурини таклиф қилди. Бу дастур америкаликларни Ойга чиқаришни назарда тутарди. Ушбу мақсадга 1969 йилда эришилди. Ташқи сиёсатда Кеннеди СССР билан муроасага келишга тайёрлигини билдирди. Бироқ 1963 йил 22 ноябрда Кеннеди Техасс штатининг Даллас шаҳрида ўлдирилди.

Линдон Жонсон. Кеннедининг ўлиmidан сўнг вице-президент Линдон Жонсон президент вазифасини бажаришга киришди. АҚШ «фаровонлик давлати» дастурини амалга ошириш Жонсон номи билан узвий боғлиқ. У АҚШда қашшоқликни тугатиш вазифасини кун тартибига қўйди. қашшоқ америкаликларнинг даромадларини ошириш учун касбий тайёргарлик, маълумот олишда ёрдам бериш чоралари кўрилди. 1964-1968 йилларда уларнинг сони чиндан ҳам 36,4 миллиондан 25,4 миллион кишига камайди, бироқ қашшоқлик тўла тугатилмади.

Никсон сиёсати. Никсон бу муаммоларга давлат томонидан тартибга солишни кенгайтириш йўли билан жавоб берди. Тинчлик даврида биринчи марта нархлар устидан назорат жорий этилди. Хар хил нафақалар олувчи америкаликлар сони кўпайди, «энергетик мустақиллик»ка эришиш лойиҳаларини амалга оширишга миллиардлаб доллар маблағлар сарфланди. Бироқ давлат функциялари кенгайтирилган даврда бу сиёсатнинг салбий оқибатлари намоён бўлди.

«Уотергейт жанжали». 1972 йил навбатдаги президентлик учун сайловолди кампанияси даврида ўз номзодини қайта сайлаш учун қўйган Никсон ходимлари унинг демократик партиядан бўлган рақибининг Вашингтондаги «Уотергейт» меҳмонхонасида жойлашган қароргоҳига сўзлашувларни эшитиш мосламасини ўнатишга ҳаракат қилдилар. Бироқ улар жиноят устида қўлга олиндилар. Бу иш тергов қилина бошлагач, мазкур

сайловда ғолиб чиққан Никсон терговга халақит бериш учун ўз президентлик ваколатларидан фойдаланди. Конгресс унинг ўзига қарши иш қўзғашга қарор қилди. Ваколатлари чегарасидан четга чиққанлик учун лавозимдан четлантириш (импичмент) таҳдиди остида Никсон 1974 йилда истеъфо берди. АҚШ тарихида биринчи марта бундай хол юз берди. «Уотергейт жанжали» давлат функцияларини кенгайтириш замирида қандай хавф яширин эканлигини намоёниш этди. Истеъфо берган Никсон ўрнини вице-президент Жеральд Форд эгаллади. Республикачилар партияси нуфузига жиддий зиён етди. 1976 йилда навбатдаги президент сайловида унча машхур бўлмаган сиёсатчи, Жоржия штати губернатори, демократ Жимми Картер ғалаба қозонди.

Р.Рейган сиёсати. 1980 йилда сайланган президент Рональд Рейган ишни солиқларни камайтириш ва АҚШ марказий банкининг хисоб ставкаларини оширишдан бошлаб, иқтисодий фалажлик юз беришига сабаб бўлди. Ишсизлик дархол икки баравар кўпайди, бироқ инфляцияни тўхтатишга муваффақ бўлинди, 1983 йилдан эса иқтисодий ўсиш бошланди. Маъмурият ижтимоий харажатларни анча камайтириб, тинч давр учун энг йирик қайта қуруланиш дастурини амалга оширди. 1984 йилда Рейган нисбатан осон янги муддатга сайланди. 1988 йилда президент лавозимини эгаллаган Жорж Буш асосан Рейган олиб борган сиёсатни давом эттирди.

АҚШ 90-йилларда. Буш қайта сайланишга ҳаракат қилаётган 1992 йилда сайлов кампаниясига мустақил номзод, техаслик тадбиркор, миллиардер Росс Пер аралашди. У республикачилар дастурига яқин дастурни таклиф қилиб, Буш олишни мўлжаллаётган овозлар сонининг бир қисмини «тортиб олди». Натижада сайловда Арканзас штатининг губернатори, демократ Билл Клинтон ғолиб чиқди. Клинтон республикачилар бошлаган инфляцияга қарши курашни давом эттирди. Айни вақтда у соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотлар ўтказишга ҳаракат қилди. 1994 йилги оралик сайловларда республикачилар АҚШ конгрессининг иккала палатаси устидан ўз назоратини ўрнатишга муваффақ бўлдилар.

2-савол. Буюк Британия

Буюк Британия урушдан кейинги даврда. Гарчи Буюк Британия урушда ғолиб чиққан бўлса-да, унинг ахволи хавас қилгулик эмас эди. Буюк Британия худуди биринчи марта бомбардимон қилинди ва ракетаалардан ўққа тутилди. Мамлакат савдо флотининг катта қисмидан айрилди. Буюк Британия ўз империясини сақлаб қолди, бироқ унинг мустамлакалари ва доминионлари уруш йилларида кучайди, уларнинг метрополия билан алоқалари камайди. Буюк Британия буюк давлатлар орасида қолган бўлса-да, куч-қудрат жихатидан АҚШ ва СССР билан беллаша олмасди.

Бу урушдан кейинги биринчи парламент сайловида яққол намоён бўлди. 1945 йил 26 июлда инглизлар Буюк Британияда «фаровонлик давлати» қуришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган лейбористлар партиясини қўллаб-қувватладилар ва сайловолди кампаниясида Германия устидан ғалаба

ташкilotчиси эканликлари билангина мақтанган Черчилль бошчилигидаги консерваторлар партиясини рад этдилар. Тарихда биринчи марта лейбористлар партияси парламентнинг жамоалар палатасида мутлак кўпчилик ўринларни эгаллади, унинг лидери Клемент Эттли ҳукуматни шакллантирди.

1951 йилги навбатдаги сайловда консерваторлар ғалабани қайтариб олдилар. 77 яшар Черчилль қайта бош вазир этиб тайинланди. Хусусий тадбиркорликни тиклаш ички сиёсатнинг бош йўналишига айланди. Бунинг учун иқтисодиётга давлат аралашувини камайтириш йўлида қатъий қадамлар ташланди. Солиқлар камайтирилди, бизнесга национализация қилинган тармоқларда иш кўриш рухсат этилди. Ҳукумат уларни хусусийлаштиришга тайёргарлик кўра бошлади. Ташқи сиёсатда консерваторлар АҚШни қўллаб-қувватладилар.

80-йилларнинг ўрталарида иқтисодий ривожланишда ўсиш кузатилди. Инфляция камайди. Ишсизлик ҳам қисқара бошлади. Саноат модернизация қилинди, унинг таркибида илғор технологиялар фойдасига ўзгаришлар юз берди. Иш унумдорлиги ошди ва тадбиркорлик руҳи тикланди. 1992 йилда консерваторлар навбатдаги парламент сайловида ўзларининг ҳукмрон партия мақомини тасдиқладилар.

3-савол. Франция

Урушдан кейинги даврда Франция иқтисодиёти оғир ахволда бўлиб, АҚШнинг моддий ёрдамига боғлиқ эди. Францияга қарам Индохитой унинг назорати остидан чиқди, Сурия ва Ливан мустақилликка эришди.

Франция худуди озод қилинган, унда ҳокимият Шарль де Голль бошчилигидаги Муваққат ҳукуматга ўтди. У демократик тузумни тиклади, гитлерчилар билан фаол ҳамкорлик қилган одамлар судга тортилди. 1946 йил декабрда янги конституция кучга кирди. У урушдан кейинги Европада энг демократик конституция эди. Унда Франция парламент республикаси деб эълон қилинди. Шу йил янги парламентга сайлов ўтказилди.

1958 йил сентябрда ўтказилган референдумда французлар де Голль ишлаб чиққан конституцияни маъқулладилар. Унда давлат бошқаруви шаклини бутунлай ўзгартириш назарда тутилган эди. Умумий сайловда 7 йил муддатга сайланадиган президентга давлат бошлиғи, ижро этувчи давлат бошлиғи ва қуrolли кучлар бош қўмондони ваколатлари бериларди. Ноябрьда парламентга сайлов ўтказилди. Унда де Голль бошчилигидаги Янги республика учун иттифоқ партияси ғалаба қозонди. Декабрда Шарль де Голль президент этиб сайланди.

Бу 60-йилларда Франция иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнларини нихоясига етказиш учун имконият яратди. Франция илғор саноатга эга бўлган замонавий индустриал давлатга айланди. қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ҳам якунланди. Бир пайтлар Европадаги энг кўп сонли француз дехқонлари фермерларга айланди, Франция эса

ғарбий Европада озиқ-овқат махсулотларининг энг йирик экспортчиси бўлиб қолди.

Франция ташқи сиёсатида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Кўпроқ мустақилликка эришиш йўлида де Голль 1960 йилда мамлакатда ўз ядро қуролини яратиш ташаббускори бўлди. Франция кўшинлари НАТО кўмондонлиги остидан чиқарилди. Де Голль Вьетнам уруши йилларида АҚШ ҳаракатларини қаттиқ қоралади.

1968 йил майда Парижда талабалар намоёнлиқларга чиқдилар. Ҳукумат уларни тарқатиш учун куч ишлатди. Натижада де Голль халқ ишончини йўқотди. 1969 йилда у истеъфо берди. Шу йил ўтказилган барвақт сайловда голлчи Жорж Помпиду президент этиб сайланди.

Жак Ширак ҳукумати Тэтчер йўлидан борди. Иқтисодийнинг бутун давлат секторини хусусийлаштириш эълон қилинди, бизнесга давлатнинг аралашуви камайтирилди, барча кучлар инфляцияга қарши курашга ташланди. Бу ижтимоий харажатларнинг тежалишини ҳам англатар эди. Ишсизлик ўсиб бораётган шароитда бу норозилик уйғотди.

1988 йилда бу норозилик тўлкинида президент сайловида Миттеран ғалаба қозонди. Бироқ социалистлар голлистлар сиёсатини давом эттирдилар. 1995 йилги президент сайловида Жак Ширак сўл кучлардан қўйилган номзодни мағлубиятга учратди.

4-савол. Германия Федератив Республикаси

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Германия фақат вайроналардан иборат эди. Иттифоқчилар репарациялар ҳисобига бу ердан саноат ускуналарини олиб чиқиб кета бошладилар. Аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетди. Боз устига, у икки қисмга ажратилди.

1949 йил 23 майда Германиянинг янги конституцияси кучга кирди. Конституцияда асосий фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар мустаҳкамланди ва ғарбий Германия демократик, федератив давлат деб эълон қилинди. 1949 йилда ГФР таркибига 11 ер киритилди. Уларнинг ҳар бири ўз конституцияси, қонунчилик, ижро ва суд органларига эга эди. Бошқарув шаклига кўра ГФР парламент республикасига айланди. Олий ҳокимият органи бундестаг (федерал парламент) эди. Ҳукумат бошлиғи – федерал канцлерни бундестаг тасдиқлар эди.

ГФР халқаро мавқеининг мустаҳкамланиши асосан унинг иқтисодий ўсиши билан боғлиқ. 1950-1964 йилларда унинг ялпи миллий махсулоти уч барабар кўпайди. «Германия мўъжизаси» ҳақида сўз юритила бошланди. ғарбий Германия экспорти айниқса шитоб билан ўсиб борди. ГФРда ишлаб чиқариладиган махсулотларнинг қарийб ярми экспортга чиқариларди. Экспортдан тушган даромадлар ГФРга қарзларни узиш, нацизмдан жабрланганларга тўловларни амалга ошириш ва йирик олтин-валюта захираларини яратиш имконини берди. ГФР маркаси жаҳоннинг энг ишончли валюталардан бирига айланди. Тегишли равишда, аҳолининг турмуш даражаси ошди.

1989 йилда ГДРла инқилоб бошланди. Бу ерда демократия тикланди. Инқилобнинг биринчи кунларидаёқ Берлин девори бузиб ташланди. Бирлашиш кутилмаганда ҳамма учун амалий вазифага айланди. ГФР конституциясида Германиянинг бирлашиши Шарқий Германия ерларининг ГФРга қўшилиши сифатида назарда тутилган эди. Бу ГДР давлат сифатида тугатилишини англатарди. ГДР рахбарияти бирлашишни икки давлатнинг конфедератив иттифоқи сифатида амалга оширишга ҳаракат қилди. Бирок 1990 йил мартда бўлиб ўтган сайловда христиан демократлари бошчилигидаги нокоммунистик муҳолифат ғалаба қозонди. Улар Германияни ГФР негизида бирлаштириш тарафдори эди. 1 июндан ГДРда ғарбий Германия маркаси жорий этилди. 31 августда ГДР ҳудудидаги олти ерда маҳаллий сайловлар ўтказилди. Германиянинг бирлашувини тўрт давлат – СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция билан келишишгина қолди. СССР Германиянинг бирлашишига розилик билдирди, унинг бетарафлигини шарт қилиб қўйди. Бу талабни барча тарафлар рад этгач, у ён берди ва Германиянинг бирлашишига ва Шарқий Германиядан совет қўшинларини олиб чиқиб кетишга розилик билдирди. 12 сентябрда Германиянинг бирлашиши масаласини узил-кесил ҳал қилиш тўғрисида Шартнома имзоланди. 1990 йил 3 октябрда Шарқий Германия ҳудудида ГФР байроқлари кўтарилди.

3-мавзу. Жаҳон XX аср охирида

БМТ ролининг ортиши. БМТнинг жаҳондаги тартиб кафили сифатидаги роли ортиб бораётир. Бу ҳол XX аср бошида илгари сурилган универсал халқаро ташкилот тузиш ғоясининг самарадорлигидан далолат беради. Буни тўла англаб етиш учун икки жаҳон уруши ва «совуқ уруш» тажрибаси керак бўлди. 90-йилларнинг ўзида БМТ бир нечта йирик тинчликпарварлик операцияларини амалга оширди. БМТ шафелиги остида «Сахродаги бўрон» операцияси ўтказилди. Кичик кувайтга қарши агрессия содир этган Ироқ 1991 йил бошида асосан АҚШ қўшинларидан таркиб топган кучлар билан тор-мор келтирилди. Ироқ ва кувайт чегарасида БМТ қўшинлари жойлаштирилди. БМТ қўшинлари Ангола, Мозамбик, Камбожада урушаётган тарафларни яраштиришда фаол иштирок этдилар. Улар Югославияда тинчликни сақлаш ва аҳолини инсонпарварлик ёрдами билан таъминлашда муҳим рол ўйнадилар.

Кескинлик ўчоқлари. Жаҳон ҳамжамияти ҳал қилиши лозим бўлган муаммолар орасида мавжуд низо ва жанжалларнинг ўчоқларини бостириш зарурияти билан боғлиқ муаммолар биринчи ўринда туради. 1994 йилда Исроил Иордания ва Фаластин озодлик ташкилоти билан тинчлик шартномаларини имзолади. Яқин Шарқда кескинлик пасайди. Собиқ СССР республикалари – Грузия, Молдова, Тожикистон, Арманистон ва Озарбайжондаги жанжаллар жаҳон ҳамжамиятида катта ташвиш туғдирди. Собиқ Югославиядаги этник можаро ҳам хавфли ҳусусият касб этди.

Миллатлараро можаролар нисбатан барқарор ғарб мамлакатларида ҳам вазиятни кескинлаштирмоқда. Масалан, Канадада франциялик кўчманчиларнинг авлодлари ўзлари кўпчиликти ташкил этувчи Квебек вилояти учун мустақилликни талаб қилмоқдалар. Бу курашни улар тинч йўл билан, Канада қонунлари доирасида олиб бормоқдалар. Бироқ Буюк Британия таркибига кирувчи Шимолий Ирландияда маҳаллий католикларнинг бу ҳудудни Ирландия билан бирлаштириш учун кураши зўрлик ишлатиш йўли билан амалга оширилмоқда. Ирландия билан бирлашиш тарафдорлари ҳам, уларнинг рақиблари ҳам ўз курашида терроризмдан фойдаланмоқдалар. Айти шу усулларни Басклар мамлакатининг Испаниядан мустақиллиги учун курашаётган яширин ташкилот аъзолари ҳам қўлламоқдалар.

Яна бир муҳим муаммо – ядро куралини тарқатмаслик тартибини сақлаш. Тан олинган беш ядро давлати (АҚШ, Россия, Англия, Франция, Хитой)дан ташқари, Хиндистон, Покистон, Исроил, Ироқ ва Шимолий Корея ядро куралини яратиш бўсағасида турибди. 1995 йилда ўз ишини тугаллаган жаҳоннинг 170 давлати вакиллари иштирокидаги халқаро конференция ядро куралини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани муддатсиз деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилди. Ракета технологиялари ва кимёвий қурол яратиш технологияларини тарқатиш устидан назорат кучайтирилиши лозим. Оммавий қирғин қуролларини назорат остида сақлаш халқаро муносабатларни янада барқарорлаштиришга имконият яратади.

Хозирги дунё муаммолари. Жаҳон олдида турган иқтисодий муаммолар ҳам жиддий бўлиб қолмади. Уларнинг энг муҳими – жаҳон иқтисодиётининг сақланиб қолаётган номутаносиблиги, қолоқ минтақаларнинг кўплиги. Собик социалистик мамлакатлардаги бозор ислохотлари ҳам жаҳон ҳамжамиятининг мададига муҳтож.

Экология муаммолари жаҳон ҳамжамияти эътиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда. Атроф муҳитнинг ифлосланиши жуда катта қўлам касб этган ва инсоннинг мавжудлигига таҳдид солаётир. Хар хил турдаги ёнилғининг ёндирилиши натижасида атмосферада углекислота миқдорининг кўпайиши атмосферанинг қизиқ кетиши («парник эффекти») ва иқлимнинг ўзгариши олиб келиши мумкин. Атмосферада озон қатламининг бузилиши ультрабинафша нурланиш таъсирини кучайтиради. Жаҳонда яшайдиган аҳолининг кўпчилиги ичимлик сувининг ифлосланган манбаларидан фойдаланмоқда.

Бу муаммолар бутун инсоният олдида турибди ва фақат бутун жаҳон ҳамжамиятининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ҳал қилиниши мумкин. Айти шу сабабли улар глобал муаммолар деб аталади. Бу муаммолар пайдо бўлишининг ўзи жаҳоннинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигидан далолат беради.

Жаҳоннинг ўзаро боғлиқлиги. Хозирги дунёнинг бирлиги аввалгидек иқтисодий боғлиқлик билан белгиланади. Халқаро меҳнат тақсимооти миқёси жадал суръатларда ўсмоқда, халқаро савдо йўлида тўсиқлар камайиб

бормоқда. Янги жахон бозорлари трансмиллий корпорациялар томонидан ўзлаштирилмоқда, уларнинг қўлида жахон савдосининг катта қисми жамланмоқда. Улар бутун дунёга «Пепси-кола» ёки «Панасоник» каби машхур савдо белгиларига эга стандарт товарлар ва хизматлар таклиф қилмоқда.

Ер куррасининг кўпгина минтақаларида иқтисодий интеграция ривожланмоқда. ғарбий Европада у айниқса юксак даражага етди: 15 мамлакатни бирлаштирувчи Европа Иттифоқи ягона валютага ўтди. Шимолий Америкада эркин савдо зонаси ташкил этиш хақида битим имзоланди (Канада, Мексика, АҚШ). Жануби-Шарқий Осиёнинг барча мамлакатлари ўзаро иқтисодий яқинлашишга имконият яратиш учун Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН)ни ташкил этдилар. Ўтган асрнинг 80-йилларидан Лотин Америкасида ҳам интеграция жараёнлари ривожлана бошлади. Собиқ СССРнинг Мустақил Давлатлар Хамдўстлигига бирлашган республикалари ўртасида ҳам иқтисодий ҳамкорлик янги асосда чуқурлашиб бормоқда.

Жахон мамлакатларининг ўсиб бораётган иқтисодий боғлиқлиги иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади. Бунинг учун жахоннинг иқтисодий жихатдан энг қудратли етти мамлакати – Буюк Британия, Италия, Канада, АҚШ, Франция, ГФР ва Япония рахбарлари 1974 йилдан бери учрашувлар ўтказадилар. Сўнгги йилларда уларнинг қаторига Россия ҳам қўшилди ва бу учрашувлар «катта саккизлик» учрашувлари номини олди.